



ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан кўплаб ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

30 август куни Кўксаройда ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилганларни аввало Мустақиллик байрами билан табриклаб, уларга ўзининг юксак эътиромини билдирди.

— Бундай тарихий дамларда ҳар бир халқ ўз истиклолини сарҳисоб қилади. Ўтган 30 йилда мустақил давлатимиз қурилди, ривожланди, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизнинг ўрнимизни, йўлимизни топдик. Бугунги кунда ҳамма соҳа


ва тармоқлардаги интилишларимиз, ҳар бир маҳаллага, қишлоққа, оилага кириб боришимиз ўз натижасини бераяпти, одамлар рози бўлаяпти, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан, ҳар бир жабҳада ўзгаришлар юз бермоқда. “Янги Ўзбекистон” деган тушунча реал воқеликка айланмоқда. Ўзбекистон халқаро ҳамжамият томонидан пандемия шароитида иқтисодий ўсишга эришган санокли давлатлар қаторида эътироф этилмоқда. “Обод қишлоқ”,

“Обод маҳалла”, “Беш муҳим ташаббус”, “Ҳар бир оила — табриккор”, “Ёшлар — келажагимиз” сингари йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни тубдан ўзгартирмоқда.

Президент истиқлол йилларида мустақил фикрли, замонавий дунёқарашли янги авлод вояга етганини, улар давлатимизнинг таянчи ва келажаги эканини таъкидлади.

Давоми 2-бетда



Иброҳим ҒАФУРОВ:

“ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЎЗ ЛАВОЗИМИНИ КАБИНЕТДАН ХАЛҚ ОРАСИГА ОЛИБ КИРДИ”

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровни юксак унвон билан табриklar экан, устоз адибимизнинг босиб ўтган йўлига алоҳида таъриф берди: “Мен “Бобурнома”ни кўп-кўп ўқишга, Бобурнинг ҳаёт йўлини ўрганишга ҳаракат қиламан. Биласизларми, Бобурда умуман ҳаловат бўлмаган. Унинг ҳаёт йўли машаққатлар ва қурашларда ўтган, фақат меҳнат қилган. Иброҳим аканинг ҳам ҳаётида ҳаловат бўлмаган, умри меҳнатда ўтган. Ҳозирги адабиёт соҳасидаги барча ёзувчи ва шоирларимиз бу инсонни устоз дейди. Бу инсонга ҳалоллик ва поклик бўйича муносиб бўлишга ҳаракат қилади. Очиқ гап, мен Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов билан дўст эдим.

Абдулла Орипов билан Зомин мактабини ташкил қилган эдик. Эркин Воҳидов билан эса, кечалари ҳам гаплашардик. Эркин аканинг бир гаплари бўлар эди: агар ўзбек тилининг буюклигини билишни хоҳласанг, Иброҳимжондан сўраш керак. Севиб гапларардиклар. Иброҳим ака адабиётимизнинг ана шундай забардаст намояндаси. Иброҳим акага ўхшаган ҳалол инсонлар бизга ўрناк бўлиши керак. Ҳаётда, меҳнатда, умрда. Битта стол, ручка ва битта хона. Бошқа бирор нарса бу инсон ўзи учун эп қўрмаган. Мана шундай инсон, албатта, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлишга лойиқ!”

Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТГА ДИЛ ИЗҲОРИ

АЙДАРКЎЛЛИК БАХТЛИ ҚИЗМАН!

Берилган имкониятлардан фойдаландим, шунга яраша ютуқларга эришяпман

Ота-боболаримиз шу муқаддас заминни макон қилиб, Айдаркўл билан тиллашиб яшаётганига ҳам неча асрлар бўлган. Нуротанинг бир чети ана шу ҳайбатли кўлга тутташиб қудратли ҳисларни уйғотади. Маҳобатли тўлқинлар, чағалайлар, бепеён дашт билан сирлашиб вояга етдим.

Бугун ҳам Чуқурқудуқнинг саховатли бағрида ўзимни боладек сезаман. Фақат, кейинги йилларда, бу сезимларга янги орзулар ҳам қўшилди.

Буни илк бор олий ўқув юрти талабаси бўлганимда, кейинчалик муҳтарам Президентимизнинг қўлидан Зулфия номидаги

Давлат мукофотини олганимда чуқурроқ хис қилдим. Сўнгги беш йилда мамлакатимизда, жумладан, Чуқурқудуқ каби олис қишлоқлар аҳолиси ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар барчамизни, ёшу қарини тўлқинлантириб юборди.

Давоми 2-бетда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 август куни қатор хорижий давлатлар етакчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Жумладан, Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари **Муҳаммад Ол Наҳаён**, Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**, Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**, Франция Республикаси Президенти **Эммануэль Макрон**, Германия Федерал Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер** билан суҳбатлар бўлиб ўтди.

Улар давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан дилдан қўлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилақларини изҳор этдилар. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва демократик янгиланишларнинг янги дастурини амалга оширишдаги ютуқлар, юртимизнинг мустақамланиб бораётган халқаро нуфузи алоҳида қайд этилди.

Икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий шериклик масалалари муҳокама қилинди.

Тожикистон Президенти **Эмомали Раҳмон** билан суҳбатда жорий йил 10-11 июнь кунлари Тожикистонга олий даражали ташриф яқунлари бўйича қабул қилинган келишув ва битимларнинг амалга оширилиши кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик доирасидаги қўшма кооперация лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар Афғонистонда ҳарбий-сиёсий кескинлик кучайиши билан боғлиқ минтақавий масалаларга алоҳида тўхталдилар. Ўзаро мувофиқлашувни кучайтириш ва яқин идоралараро алоқаларни давом эттиришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, етакчилар жорий йил сентябр ойида Душанбе шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитига тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилдилар.

Абу Даби Амирлиги валиаҳди **Муҳаммад Ол Наҳаён** билан мулоқотда 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига олий даражадаги ташрифда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасидаги ишларнинг амалий натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Кунчи кеча Masdar компанияси билан биргаликда Ўзбекистонда қуввати 100 мегаваттлик илк қўёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Бундан ташқари, энергетика тармоғида яна олтинчи йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Турли тармоқларда умумий қиймати 5 миллиард долларлик 15 та инвестиция лойиҳасини илгари суриш ишлари олиб борилмоқда.

Бошқарув соҳасида кадрлар, ахборот технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш борасида қатор муҳим дастурлар, гуманитар алмашинув лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Афғонистондаги вазият ривожланиши юзасидан фикр алмашилди. Минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича фаол мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Беларусь Президенти **Александр Лукашенко**ни таваллуд куни билан дилдан қўлаб, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар тилади.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари юқори суръат билан ортиб бораётгани, икки мамлакат етакчи корхона ва компаниялари, таълим муассасалари ўртасида муваффақиятли кооперация амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси, шу жумладан, Беларусь томони раислигидаги МДҲ саммитига тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров** билан мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида аниқ кооперация лойиҳаларини, шунингдек, туризм ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш мақсадида ҳукуматлар даражасидаги яқин ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Президентлар, шунингдек, минтақа кун тартибидagi, шу жумладан, қўшни Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Франция Президенти **Эммануэль Макрон** билан суҳбатда Ўзбекистон — Франция муносабатларининг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди, хусусан, 2018 йил октябрь ойида Париж шаҳридаги саммитда эришилган келишувларга мувофиқ “йўл хариталари”нинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Франциянинг етакчи компаниялари иштирокида қазиб чиқариш, энергетика, саноат, транспорт ва коммуникациялар соҳалари, коммунал хўжаликни модернизация қилиш, туризм кластерларини ривожлантириш ва бошқа йўналишларда устувор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Франция тараққиёт агентлиги билан молиявий-техник ҳамкорлик бўйича узоқ муддатли дастур қабул қилинган.

Биргаликдаги ташаббусларни илгари суриш мақсадида жорий йил май ойида Тошкент шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва Франция ишбилармонларининг нуфузли делегацияси иштирокида бизнес форум ўтказилди.

Бир қатор қўшма маданий тадбирларни юксак даражада ўтказиш, шу жумладан, келгуси йилнинг биринчи ярмида Лувр музейида мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий меросига бағишланган кўргазма ташкил этишга келишиб олинди.

Президентлар Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий аҳволнинг кескинлашиши таъсирида минтақадаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан фикр алмашдилар. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш ва алмашинувларни фаоллаштириш муҳим экани таъкидланди.

Германия Федерал Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер** кейинги йилларда юртимизда демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда катта муваффақиятларга эришилаётганини алоҳида қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотнинг давоми сифатида икки томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди. Кўп қиррали муносабатларнинг бугунги даражасига юксак баҳо берилиб, истиқболдаги Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш, ишбилармонлик ташаббусларини, Германиянинг Siemens, Bosch, Man, Claas, Knauф ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари иштирокида юқори технологик тармоқлардаги саноат кооперацияси лойиҳалари ва инфратузилмани модернизация қилиш дастурларини қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар мамлакатимиз мактаблари ва олий таълим муассасаларида немис тилини чуқур ўрганиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Ўзаро гуманитар алмашинувларни бундан буён ҳам фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Федерал Президентга республикамизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда кўрсатилган техник-маслаҳат кўмаги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Франк-Вальтер Штайнмайер фуқароларнинг Ўзбекистон орқали транзит йўли билан эвакуация қилинишида кўрсатилган катта ёрдам учун яна бир бор ташаккур изҳор этди. Биргаликдаги инсонпарварлик кооперацияларини амалга ошириш учун яқин алоқаларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

— Мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган ёшлар 30 ёшга кирди, балоғатга етди. Биз биринчи кундан ёшлар масаласини энг катта вазифа қилиб олганмиз. Агар бугунги шиддатли дунёда ёшларимиз тарбиясига катта эътибор қаратиб, уларга билим, кўмак бериб, ҳозирги замонга муносиб қилиб, йўлини топиб бермасак, кўп нарсадан орқада қолиб кетамиз. Бугун жойларда ишлаётган, ўқитган, замонавий мутахассис бўлиб етишайтган ана шундай жўшқин ёшларимиз давлатимизга жуда катта куч-қудрат, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, кейинги икки йил инсоният тарихида қутилмаган оғир давр бўлди. Халқимиз хурсандчилик кўнлар билан бирга, машаққатли синовларни ҳам бошидан кечирди. Коронавирус офати бутун дунёни ташвишга солиб, жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Дунё бозорларида шафқатсиз рақобат, “савдо урушлари”, бизга қўшни ҳудудларда қарама-қаршилиқ ва тўқнашувлар кучайиб бормоқда.

— Бугунги мураккаб шароитда халқимиз саломатлигини асраш билан бирга, иқтисодиётимизни ҳам ривожлантиришдек оғир масала кун тартибида турибди. Шу мақсадда иқтисодиёт тармоқларини, боғбону деҳқонлар, фермер ва тадбиркорларимизни қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун янги-янги йўللари излаяпмиз. Мана шундай ўта мураккаб, қалтис вазиятда биз халқимизнинг мустаҳкам иродаси, сизлар каби юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати билан қийинчиликларни мардона енгиб ўтқоқдамиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган илғор фермер, селекционер олим Муҳаммад Аҳмедовни, математик олим, академик Шавкат Аюповни, атоқли адабиётшунос, таржимон ва публицист Иброҳим Ғафуровни, халқ артисти Муножот Йўлчиевни алоҳида таъриклиди.

Фидойи шифокорларимиз ўз жонини хавф остига қўйиб, халқимиз саломатлиги учун ҳар

қуни, ҳар дақиқада курашмоқда. Мард ва жасур ҳарбийларимиз тинчлик-осойишталик йўлида садоқат билан хизмат қилмоқда. Омилкор тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар, ишчи-муҳандислар мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда.

Илм-фан, таълим-тарбия, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаси вакиллари катта муваффақиятларга эришмоқда. Навқирон ёшларимиз халқимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиқмоқда.

Президентимиз уларни юксак мукофотлар билан қўллаб-қувватлаш, эзгу тилакларини изҳор этди.

Шу кўнларда жойларда қўллаб-қувватланган мамлакатимиз “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини қабул қилиб олмоқда. Давлатимиз раҳбари уларни ҳам халқимиз номидан самимий табриклади.

Шундан сўнг мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Бу йил яна бир хайрли ишга қўл урилди. Президентимиз фармонига мувофиқ, мамлакатимизда маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорлар мукофотланди. Маросимда бу мукофотлар уларнинг оила аъзоларига топширилди.

— Кўксингизда ярқираб, ярашиб турган фахрий унвонлар, орден ва медаллар барчангизга муבורак бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев. — Мен ҳаммангизни яхши биламан, сизлар билан фахрланаман. Қадамларимиз баракали, натижалари бўлиши учун ҳали кўп ишлашимиз керак. Ўзи, инсон учун энг катта бахт — оилавий бахт, яқинларимиз соғ-саломат, юртимиз тинч-осойишта бўлиши. Илоҳим, ҳаммангизга шундай бахт насиб этсин. Ҳар бир оилада хотиржамлик, тўйлар бўлсин!

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

ЎЗА

Сиёсат

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 30 август куни бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширувчи эксперт гуруҳларини тузиш, Президент сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни ва оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси: ЭКСПЕРТ ГУРУҲЛАРИ ТУЗИЛДИ, АККРЕДИТАЦИЯЛАР ТОПШИРИЛДИ

Сайлов кодексининг 39-моддасига биноан, сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилгани Марказий сайлов комиссияси томонидан 5 кунлик муддатда текширилади. Бунда сайловчилар имзолари зарур сонининг камида 15 фоизи ва имзо варақаларига имзоларини қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилиши керак бўлади.

Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширувчи эксперт гуруҳини

тузиши мумкин. Эксперт гуруҳи таркибига ички ишлар, адлия органлари мутахассислари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этилади. Имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этади.

Мажлисида Президент сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, Сайлов кодексининг 33-моддасига мувофиқ, сиёсий партиялардан, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга оширади. Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига сайловдан камида 10 кун олдин ариза билан маълум қилади.

Манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин 5 кун ичида сайлов комиссияси кузатувчи учун мандат беради. Бошқа давлатлардан, халқаро

ташкилотлардан кузатувчиларга мандатларни Марказий сайлов комиссияси тақдим этади.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси қарори билан эксперт гуруҳлари тузилди, шунингдек, 3 нафар халқаро кузатувчи ва 36 та ОАВ вакилига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларида иштирок этиш учун аккредитация топширилди.

**Марказий сайлов
комиссияси
Матбуот хизмати**



“Янги Ўзбекистон” учун МАХСУС



Ўзбекистон Президентининг “Янги Ўзбекистон” газетасига интервьюси испан тилида рисола шаклида нашр этилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблари Испаниянинг “Diario” нашриёти томонидан испан тилида алоҳида рисола шаклида чоп этилди.

Рисола Ўзбекистоннинг Мадриддаги элчихонаси кўмағида нашр этилди. Рисоланинг кириш қисмида давлатимиз раҳбарининг “Ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий

ишлар амалга оширилди, мард ва олижаноб халқимизнинг буқилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди”, деган сўзлари ўрин олган. Ўшбу нашр Испаниянинг ижтимоий-сиёсий,

академик ва эксперт доиралари ўртасида тарқатилди.

Мадрид

“Дунё” АА,

ПРЕЗИДЕНТГА ДИЛ ИЗҲОРИ

АЙДАРКЎЛЛИК БАХТЛИ ҚИЗМАН! берилган имкониятлардан фойдаландим, шунга яраша ютуқларга эришяпман



**Мерей ОМОНБОЕВА,
ёш тадбиркор**
Нурота тумани Чуқурқудуқ қишлоғи

Бошланиши 1-бетда

Мустиқиллигимизнинг 30 йиллик байрами арафасида эса ҳаётимда жуда муҳим ўзгаришлар бўлди. Етти кун ичида Президентимиз билан икки марта учрашиш бахти насиб этди. 20 август куни Юртбошимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида иштирок этиб, катта мотивация билан қайтган эдим...

Президентимизнинг мустиқиллик куни олдида Навойига ташриф буюргани навқирон вилоят аҳли учун зўр тантана, байрам соғваси бўлди.

Ўзбекистондаги илк қуёш фотозлектр станцияси очилиш маросимида давлатимиз раҳбари ҳам иштирок этди.

Бу тарихий тадбирда жам бўлган муҳандис-қурувчилар, чет эллик инвесторлар, нуронийлар, тадбиркорлар, ёшлар, хуллас кенг жамоатчилик вакиллари қаторида мен ҳам бор эдим.

Президентимиз ҳар галгидек тайёрланмаганлар гапирсин, деганида ҳаяжон билан қўл кўтардим. Орқада ўтирган бир опани ва мени чақирди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, давлат раҳбари билан бемалол, расмий-чиликсиз, жуда самимий мулоқот қилдик.

Ёш тадбиркор, чорвачилик кластери раҳбари эканимни, қишлоқда оилавий боғча очганимни, шунингдек, бизнес йўналишида тренерлик қилишимни айттар эканман Президентимиз менга меҳр ва ишонч билан қараб турганини кўриб, янада руҳландим.

Айдарқўл кенгликлариде катта бўлганман. Дангал табииати қизман, қозоқ-

ча айтганда “тўқ этарини” шартта-шартта гапираман. Давлатимиз раҳбари билан мулоқотимизда ҳам бу характерим қўл келди шекилли, очкичасига гапирдим.

Илгари туман ҳокимларининг яқинига йўлаб бўлмасди. Биз ҳозирги очкичлик сиёсатидан фойдаланиб, керак бўлса, вазирлар билан бемалол гаплашяпмиз. Бирон муаммо бўлса тўғри вилоят ҳокимига айтамиз, дедим. Ростини ҳам шу-да. Кейинги йилларда берилган бундай имкониятлардан фойдаланиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Юқорида айтганимдек, 2018 йилда чорвачилик кластери ташкил қилдим. 150 гектар ер майдонига эга кластерда асосан қўй-эчкилар боқилади.

Ўзимизнинг Чуқурқудуқда шу пайтгача боғча бўлмаган. Яхши ният бўлса, имконият, шароит бўлса бўлар экан, 25 ўринга мўлжалланган оилавий МТТ очдик. Вилоятимиз туманларида ўқув марказлари ташкил қилиб, ёшларни тадбиркорлик ва ахборот технологиялари соҳасига ўқитишни бошлади. Пировардида, юзлаб ёшлар, хотин-қизларнинг тадбиркорлик бўйича билиминини оширдик. Улар орасидан янги-янги тадбиркорлар етишиб чиқмоқда.

Сўхбат чоғида Президентимиз тадбиркорлар билан очкич мулоқот олдида мамлакатимиздаги 100 нафар тадбиркорга миннатдорлик хати йўллаганини, энди улар сафини 101 тага етказиб, менга ҳам шундай ташаккурномага имзо қўйиб беришини айтди. Шу билан бирга, вилоятимиз ёшларига миннатдорлик рамзи сифатида Президент номидан юртимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиль берилишини маълум қилди.

“Ёшларни жипслаштириб, мана шундай фаол бўлинг”, деганида жуда

руҳланиб кетдим. Ўша куннинг ўзидаёқ барча ижтимоий тармоқларда Президент билан мулоқотимиз видео-си тарқалди. Бу видеога билдирилган аксарият изохларда халқимиз ўз самимий тилаклари, фикрларини билдирган. Қозоғистонда ҳам бу видеолар 60 мингга яқин интернет фойдаланувчи томонидан кўрилди ва жуда илиқ гаплар айтилди. Аммо беш қўл баробар эмас, деганларидек, айрим изохларга кўзим тушиб қолди: “Пахта қўймоқда”, “Сўзга тайёрланган”.

Мени бяладиганлардан сўранг. Хато, камчилиги бор раҳбар бўлса, юзига шартта айтаман-қўяман. Агар сўзга тайёрланганимда эди, кучли ҳаяжон, самимий оҳанг билан гапирмаган бўлардим.

Ва яна битта нарсани айтмоқчиман, яхшининг яхшилигини кўрсатиш керак. Салбий фикрдагилар Президент яратган имкониятлардан фойдаланганида эди, бундай гапларни айтмаган бўларди. Ҳа, бугун мен шундай бахтли қизман. Чунки берилган имкониятлардан фойдаландим, шунга яраша ютуқларга ҳам эришяпман.

Куни кеча Президентимиз ваъда қилган миннатдорлик хатини, “Nexia3” автомобилини вилоятимиз ҳокими Қобул Турсунов тантанали топширди. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига яна бир бор катта раҳмат айтмоқчиман.

— Сиздаги жўшқинлиқни кўриб, навоийлик ёшлар шижоатига тан бердим. Сиз менинг вақилим сифатида вилоят ёшларини бирлаштириб, улардаги жўшқинлиқни оширишга ҳисса қўшсангиз, шу мен учун жуда катта ютуқ, — деди давлатимиз раҳбари.

Ишонтириб айтаманки, насиб бўлса Президентимизнинг ишончини оқлайман. Менга берилган бу соғва — автомобиль эса, вилоят ёшлари учун хизмат қилади. Ҳали бунинг исботини кўрасиз.

Яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Турли миллатлар узоқ йиллар оғир шароитларда, қийналиб яшаб келган олис қишлоқ ва овуллардаги ҳаётни тубдан ўзгартиргани учун ҳам Президентимизга мингдан минг раҳмат.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ТОШКЕНТ — МОСКВА ЙЎНАЛИШИДА ИЛК ГИБРИД ПАРВОЗ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Унда 22 юртдошимизга бепул авиачипта тақдим этилди



Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Uzbekistan Airways” АЖ авиаташувларнинг гибрид моделига ўтди. Куни кеча ана шу моделдаги илк парвоз Тошкент — Москва йўналишида амалга оширилди.

— Uzbekistan Airways Express мамлакатимиз мустиқиллигининг 30 йиллиги муносабати билан бажарилган илк авиакатнови учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда 22 нафар мигрант-йўловчи таклиф этилиб, уларнинг чар билари Тошкент — Москва йўналишида бир марталик бепул авиачипта олиб берилди, — дейди “Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Умид Хусанов. — Uzbekistan Airways Express маҳаллий ва минтақаларо авиаташувларга асосий эътибор қаратмоқда. Жумладан, “тўлиқ эконом” тарзида қайта жиҳозланган 4 та “Airbus A320” ҳаво кемасида авиакатновлар бошлады. Таъкидлаш жоизки, Uzbekistan Airways Express учун модификация қилинган авиалайнерларда чипта нархи 20 фоиз арзонлаштирилган. Жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Москва, Новосибирск, Қозон, Ростов, Краснодар, Сочи, Екатеринбург, Оқтоб каби бир қатор шаҳарларга авиакатновлар амалга оширилади.

— Ташқи меҳнат миграцияси агентлигида 3 ой касб-хунар ўргандик, — дейди навоийлик Фуқрат Зайниддинов. — Бугун шароитлар олдингидай эмас. Бу сафарги чипта ҳам мустиқиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан мутлақо бепул бўлди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг “Хорикга ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, энди чет элга ишлаш учун кетаётган фуқароларга компенсация тўланмоқда. Меҳнат мигрантлари учун барча шароитларни яратиб бергани учун Президентимиздан миннатдорман.

Юртимизда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар фуқароларимиз ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг фаровон турмушига ҳам кўмаклашади.

**Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



Иброҳим ҒАФУРОВ: “ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЎЗ ЛАВОЗИМИНИ КАБИНЕТДАН ЖАЛҚ ОРАСИГА ОЛИБ КИРДИ”

— Устоз, бугун қай бир масканга, гўшага, ташилотга борманг, уларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан эълон қилинган фармонида юртимиз маданий-маърифий, ижтимоий ҳаётида самарали фаолият юритган зиёлилар, олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорларга катта эътибор қаратилганини қувонч билан тилга олишмоқда...

— Жуда тўғри айтасиз. Президентимизнинг ушбу фармонида атоқли олимлар, адабиёт ва маданият намояндалари фаолиятига жуда катта урғу берилган. Кенг жамоатчилик бу воқеаликни зўр қувонч ва ҳаяжон билан қарши олди. Фаол хизмати билан эл-юрт ичида обрў-эътибор қозонган замондошларимиз — академиклар, олимлар ва ижодкорлар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг барчаси бугунги тақдирлаш шунча-мунча ҳодиса эмаслигини таъкидлашмоқда. Ўзбекистон деб аталган мамлакат ўттиз йиллик доводдан ошиб ўтаётган экан, ўз истеъдоди, изланишлари ва меҳнатлари билан бу жараёнда камарбаста бўлаётган юртдошларимиз билан бир сафда эканимдан фахрланаман. Ишонамankи, бу эътибор ҳар бир замондошимиз ҳаётига янги туртки, шоирона тил билан айтганда, янги илҳомлар беради. Юксак марралар сари дадил қадам ташлашга ундайди. Халқимизнинг кўз ўнгига бу қадрар эъзоз ва қадр топиш мен учун энг олий бахтдир.

Фармон мазмунига назар ташласангиз, қанчадан-қанча ёзувчиларнинг қилган меҳнатлари, ёзган асарлари, ижодий фаолияти бу ерда қисқа шаклда ўз ифодасини толган. Шу билан бирга, бу ҳужжатда ўз ижоди билан халқимиз маданиятини кўтаришга ҳисса қўшган марҳум олимлар, ёзувчилар, журналистлар ва шоирларнинг борлиги мени жуда ҳаяжонга солди. Президентимиз илк фаолият бошлаган йиллардаёқ бу каби юртдошларимиз қадрланиши ва ёдга олинishiга катта эътибор қаратди. Масалан, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг “Фидо-корона хизматлари учун” ордени билан тақдирланиши барча ижод аҳлини, шоиранинг мухлис-ларини, яқинларини жуда қувонтириб юборди. Гап фақат ордена эмас, гап эл улугларин, яхши кўрган шоиранинг ижодига бўлган эҳтиром ва эъзозда. Абдулла Орипов, Эркин Вохидов, Ўткир Ҳошимов, Незъмат Аминов, Шўхр Холмиров, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Ибройим Юсуповлар бу кунларни ўз кўзлари билан кўрганларидан қанчалар бошлари осмонга етган бўларди. Бу ижодкорларнинг асарларини ўқиган одам ўзбек халқининг қанчалар қучли маънавий ҳазинага эга эканини айтлайди.

Эки, мана, қаҳрамонларимиз ҳақида гапирсак. Қишлоқ ҳўжалигини улкан ютуқларга эришган илғор фермер, селекционер олим Муҳаммад Аҳмедов Бухоронинг шўр босган ерларида бир неча йиллардан бери 40-42 центнердан ҳосил олиб келмоқда. Сув танқислиги шaroитида бундай натижага эришиш баъзиларнинг тасаввурига ҳам сиймайди-ку! Албатта, Ватаним, халқимга нафим тегса, деб умид қилади. Мана шу уйғоқ фикрли қаҳрамон юртдошимиз бир неча йиллардан бери пахтанинг янги нави устида илмий изланишлар олиб бораётган экан. Бу нав сув танқислигига, шўр ерларга чидамли бўлиб, ҳар қандай аччиқ шамолга бардош бера олар экан. Илдизлари

билан Бухоро тупроғида маҳкам тура олар экан. Ахир бу ҳам ижодий меҳнат, кашфиёт ва ихтиро эмасми?

Академик Шавкат Аюпов эса, математика оламида қанча кашфиётлар қилиш билан бирга, ўз мактабини ҳам яратган буюк олимдир. У қирқ ёшида академик унвонига сазовор бўлган. Кўплаб ёшларни ўз мактабида ўқитиб, халқаро олимпиадаларга тайёрлапти.

Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева бебаҳо миллий мусиқий ҳазинамиз дурдоналарини қуйлаб, ёш авлодга ўргатиб келаётган устоз санъаткорларимиздан. Унинг ижросидаги мақомлар янграганида, жаҳоннинг манаман деган саҳналари ҳам ҳайратларга чўмган.

— Суҳбатларингизнинг бирида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг илк қадамларини кузатганингиздаёқ Учинчи Ренессанс шабадаси келаётганини сезганингизни таъкидлагансиз. Сиз бу шабаданинг таъсирини қайси жабҳаларда кўрган эдингиз?

— Мен Президентимизни нима учун ҳурмат қиламан — Шавкат Миромонович беш йил аввал юксак вазифага киришганидан бошлаб ўз лавозимини кабинетдан халқ орасига олиб кирди. Узоқ қишлоқларга, таълим аудиторияларига, кўшни давлатлар қалбига кириб борди бу инсон.

Давлатимиз раҳбари беш йил илгари сўзлаган нутқида барча раҳбарларга битта чақириқ билан чиқди — “Халқни рози қилайлик!”. Бу чақириқ вақт ўтиши билан гоята, гоялар эса фалсафага айланиб кетди. Мамлакатимизда кечаётган ички сиёсатнинг асосий фалсафасига айланди. Ўша илк маърузадаёқ Президентимизнинг шижоатига, жасоратига, мана шу содда, лекин ўта ҳаётий фалсафасига қойил қолганман. Ҳар бир жабҳада бўлаётган ўзгаришлар ва янгилишларга назар солинг, барча ишларнинг мазмун-моҳиятида халқни рози қилиш гоёси ётади.

Мамлакатимизда ҳозир олий ўқув юр்தлари сони икки баробар ошди. Энди бу йилги ўқийдиган ёшларимизни кўз ўнгингизга келтиринг. Илгари 70 та олий ўқув юрти мавжуд бўлса, бу йил 140 дан ортқ шундай муассаса уларни ўз бағрига олади. Янгидан-янги ва замонавий мутахассисликларнинг оламига олиб қиради. Бу имконият ёшлар учун ҳам, жамоат учун ҳам катта ҳодиса эмасми?

Мен бундан 30 йиллар олдин “Миллий тикланиш” партияси дастурини тузиб юрган пайтларимда бир хулосага келганманки, камбағалликнинг, қашшоқликнинг, ҳўрлик ва камситилишларнинг сабаби битта. Бу — одамнинг қўлида муайян касб-ҳунар йўқлиги. Камбағалликни, етишмовчиликни қуритадиган нарсас эса, одамларнинг мутахассислигини эгаллай олишдир. Ҳозирги кунда дунёда камида 3 000 та мутахассислик бор. Уларнинг барчасини яшайман, интиламан, курашаман, Ватанимни обод қиламан деб шайланиб турган ёшлар эгалласа борми. Мана, биз агар мамлакатимиз, бу соҳада шўнчалар кўп мутахассисликлар борки, қолганларини қўяверинг. Президентимиз ер билан, сув билан, тупроқ билан тиллаша оладиган, агро-техник билимларни эгаллаган ёшлар хоҳлаганича ер олсин, дуня таъкидлаяпти. Ерни олгандан кейин эса, унинг устига 8 қаватли бино қуриш

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда биз ҳам устоз адибимизни зиёрат қилдик. Замонавий ўзбек адабиётининг забардаст намояндаси, атоқли адабиётшунос, таржимон ва публицист Иброҳим Ғафуров билан суҳбатимиз халқимизнинг бугунги янги ҳаёти, турмуш тарзи, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг моҳияти ҳақида бўлди.

билангина чекланиб бўлмайди. Заминимизни пахта, ғалла, мева-чева оладиган маданий маконга айлантиришимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари камбағалликни енгиб ўтиш масаласини беш йилдан бери ечишга интилиб келади. Бу гоё ҳам халқни рози қилиш фалсафасининг асосини ташкил қилади.

Шу замонда ҳам уйсиз-жойсиз, қўлбаларда, капаларда, ҳаттоки горларда яшаб юрган оилалар бор эди. Давлатимиз раҳбари томонидан ўшаларнинг барчасига уй бериш гоёси кўндаланг қўйилди. Агар уй олишга кучи етмаса, узоқ муддатли кредит асосида бериш, жуда бўлмаса эл-юрт, қариндош-уруғ ёрдами билан бошпанаги қилиш гоёси ўртага ташланди. Уй-жойли бўлган ана шу одамларнинг руҳониятини кўз ол-

Ренессанс юзага келиши учун бугунги авлодлар камида Шавкат Аюповдек, Муҳаммад Аҳмедовдек, Муножат Йўлчиевадек бўлиши керак!

— Сизнингча, Ўзбекистон давлатининг бугунги кундаги асосий миссияси қайси жабҳаларда ва нималарда кўринмоқда?

— Бу саволнингга фаҳр ва ғурур билан айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги миссияси дунёни кийинтириш ва маънавият суянигига айланиш билан боғлиқ. Бу гоёни БМТ ҳам бевосита қўллаб-қувватламоқда. Ахир жаҳонда ҳозир кийимга зор, оч-наҳор миллионлаб оналар, болалар ва қариялар бор. Елкасига битта рўмол ташлаб юришга зор гўзаллар бор. Атрофингизга бир қаранг: дунё майдонида васвасали қиргинлар кечмоқда, биров-

ларнинг ерларини янги никоблар остида тортиб олишмоқда. Ваҳимали ўйинлар ўйналмоқда. Гудаклар бир сонияда дайди ўқлар қўрбонига айланган онаизорлари бағрида етим бўлиб қолишмоқда. Гўзал ҳаёт, муҳаббат ҳақида ҳаёл суриши мумкин бўлган ўсимирлар ўз жонини асраб қолиш учун бегона самолётлар қанотларига осилиб ўзга юртларга бош олиб кетмоқчи бўляпти. Мана шундай шароитда давлатимиз раҳбари одамларни кийинтираман, етимларнинг бошини силайман, юртимизни маънавият суянигига айлантираман, деяр бор қалб қуввати, шижоати билан ҳаракат қилаётгани, ортидан бутун бир халқни эргаштираётгани қандай улугвор иш!

Бу ниятлар ҳеч қандай муболага эмас, реал мақсадлардир. Чунки 42 центнердан пахта етиштираётган одамларнинг азму шижоатини, меҳнатини қандай қилиб қуруқ гапга йўя оласиз? Фақат бу эзгу ишларнинг барчасини юксак даражадаги ташкилотчилик, ташаббускорлик билан йўлга қўйиш зарур бўлади. Хотин-қизларнинг ҳар томонлама ҳимоясини қучайтириш, гендер тенгликка амал қилиш, болаларни мажбурий меҳнатдан озод қилиш каби неча йиллардан бери қутилган амалий ишлар натижасини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз-ку!

Шу боис, Шавкат Мирзиёев гоёларини бутун дунё ҳамжамияти қўллаб-қувватламоқда. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирга берган интервьюси дунёнинг қўллаб тилларига таржима бўлаётгани, тарғиб қилинаётгани беҳиз эмас. Чунки Марказий Осиё марказидаги Ўзбекистон деб аталган давлатнинг осмонидagi қуёш ҳам, булут ҳам ҳаммаша эътибор марказида бўлиб келган. Бугун улар бу мамлакатнинг маънавий, иқтисодий иқлимида бўлаётган янгилишлар шамолини ўз кўзлари билан кўриб, жараёнларда бевосита иштирок этишмоқда. Давлатимиз раҳбари беҳиз ҳар бир соҳага инновацион усулларда ёндашайлик, дея бонг урмаяпти. Жаҳид боболаримиз йўлини тутиб, ҳар бир соҳага янгича қарашни ўрганайлик, деганида ҳам ҳикмат бор. Агар биз янгича яшашга, фикрлашга ўрганмасак, бугунги авлод олдида уялиб қолишимиз, ҳатто улардан бегоналашиб айрилиб қолишимиз мумкин.

— Икки асрни кўрган қадрли ва ардоқли замондошимиз, муҳтарам устозимиз, миллиатимиз эътироф этган шахс сифатида бугунги ёшларга нималар деган бўлардингиз?

— Президентимиз фаолиятининг илк давлариданоқ ёшларимизга жуда катта ишонч билдирди. Катта-катта лавозимларга билимли йигит-қизларнинг номзодларини кўрсатиб, уларнинг ташаббусларига тўқинлик қилаётган одамларни эсанкиратиб қўйди. Кечаги замон мафкураси, ақидаси билан яшаётганлар энди замон бошқача эканини, янги дунё билан бирга нафас олаётган, фикрлаётган одамгина бугунги талабаларга жавоб бериши мумкинлигини англай бошлашди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жорий йилги Ёшлар форумидаги “Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин!” ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ўтда ёнмайдиған, сувда чўкмайди-

ған, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутман! Сизлар мустақиллик фарзандларисиз. Ота-боболарингиз кўрган тўсиқ ва қийинчиликларни кўрмай, озод Ватанда эркин нафас олиб, воёга етпасизлар. Юксак мақсадлар йўлида сиз — ёшлар ҳал қилувчи куч бўлишингиз керак. Мен сизларнинг зимманигизга юклаган ана шундай улкан масъулиятни, том маънодаги тарихий вазифани шараф билан адо этишингизга қатъий ишонаман”, деган сўзлари мени нҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Шу ўринда Президентимизнинг ёш ижодкорларга бўлган алоҳида эътиборингиз асарларни ўтмасам бўлмас. Куни кеча Заркент қишлоғида Паркент ижод ўйининг очилиш маросимида қатнашдим. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яна бир ижод уйи фойдаланишга топширилди. Чотқол тоғи этакларида қурилган бу ажойиб иморатни кўриб, оғзим очилиб қолди. Энг сўнгги дизайн асосида қурилган шинам ва чиройли хоналарда ўтириб бемалол ҳаёл суришингиз, катта-катта сюжетлар асосидаги асарларни оруз қилиб қалам тебратишингиз мумкин. Хоналарга ёш ижодкорлар билан бирга кириб борар эканмиз, уларга “Игитлар, бу хоналар дунёдаги энг зўр русумдаги автомобилнинг салонидан ҳам қулай ва зўр экан-а!” дея ҳазил қилдим. Ҳар бир ижодхонасининг деразаси Чотқол тоғларининг бетакор ва гўзал манзараларига туташиб кетган. Қараб тўймайсан. Беихтиёр тилингга шоирнинг “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!” деган мисралари келади. Тоғ ёнбагирларидаги дўлаңазору арчазорлар, шариллаб оқаётган сойнинг ёқимли овозини айтмайсизми?..

Бу манзараларга боққан сайин бутун руҳиятингиз енгил тортиб, беихтиёр қўлингизга қалам олганингизни сезмай қоласиз. Мен чет элларда кўп бўлганман, дўстларим билан ҳам ҳалигача гаплашиб тураман. Лекин бунақасини эшитмаганман. Ҳеч қайси юр்தда давлат раҳбари ижод аҳлига бундай жаннатмонанд гўша совға қилганини билмайман. Ахир бу имкониятлар, замонавий беш юлдузли меҳмонхоналарга ўхшаш ижод уйлари, энг аввало, ёш ижодкорларга илҳом бериш, уларни қўллаб-қувватлаш учун қуриб бериляпти-ку!

Бу Президентимиз улкан орузлар билан яшаётганидан, келажакимиз эгалари бўлиши ёшларга катта умид билан қараётганидан, уларни қанчалар ардоқлаётганидан дарак беради-ку! Вилоятларда ташкил этилган ижод мактабларига бир бориб кўринг. Бу ерда сабоқ олаётган қорақўзлар билан бир суҳбатлашинг. Чиндан ҳам давлатимиз раҳбари орзиқиб кутаётган янгича фикрлайдиган, қони тоза, юраги соф, ниятлари улкан ўзгача бир авлод кириб келмоқда. Бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Ани маърифий дастурлар ва заҳматли меҳнатлар вазизга қанотимизга кириб келаётган издошларимиз қувончидир!

Бу жуда катта микёсда юритилаётган маданий сиёсатдир. Дунёда кечаётган воқеаларни, бўлаётган ишларни астойдил кузатсангиз, юртимиздаги испоҳотлар қанчалар буюк мақсадлар, дастурлар асосида содир бўлаётганини янада чуқуროқ англайсиз! Шунги унутмайликки, дахшатли қиргинлар, очарчиликлар, жаҳолат ўйинлари биздан узоқда эмас. Биз айни пайтда ҳар дақиқада ҳушёр бўлишмиз, давлатимиз раҳбарини қўллаб-қувватлаб, ижодкор-испоҳотчи сифатида майдонга чиқишимиз, курашишимиз зарур!

Истиқлол шаън-шўкуҳлари кезаётган айни бахтли лаҳзаларда юртдошларимизга ана шу сўзларни айтгим келди. Истиқлолимизни, Ўзбекистонимизни асраб-авайлайлик, азиз юртдошлар! Байрамингиз муборак бўлсин!

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
МУХТАСАР ТОЖИМАТОВА
суҳбатлашди.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НИМА
УЧУН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ТУШУНЧАСИНИ, ЮКСАК
ОРЗУЛАРНИ, МАҚСАДЛАРНИ
БИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗГА,
ОНГУ ШУУРИМИЗГА ОЛИБ
КИРДИ? АМИР ТЕМУР,
МИРЗО УЛУҒБЕК, АЛИШЕР
НАВОЙИ, БОБУР МИРЗО
КАБИ БОБОЛАРИМИЗДЕК
БУНЁДКОР, ТАШАББУСКОР,
ИЛМПАРВАР ЯНГИ АВЛОДЛАР
ТАРБИЯЛАНИШИНИ, КАМОЛ
ТОПИШИНИ ИСТАЯПТИ.
АЖДОДЛАРИМИЗ
ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ТАРИХ
ҚАТЛАМЛАРИНИ, ТИЛ
ҚАТЛАМЛАРИНИ, ИЛМ-
ФАН КАШФИЁТЛАРИНИ
ЯРАТИБ КЕТИШГАН. ДЕМАК,
УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЮЗАГА
КЕЛИШИ УЧУН БУГУНГИ
АВЛОДЛАР КАМИДА ШАВКАТ
АЮПОВДЕК, МУҲАММАД
АҲМЕДОВДЕК, МУНОЖАТ
ЙЎЛЧИЕВАДЕК БЎЛИШИ
КЕРАК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ



**Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист**

Шу кунларда халқимиз ўзининг энг улуг ва энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигини улкан шодиёна сифатида кенг нишонламоқда. Буюк ва бебаҳо неъмат — мустақиллиكنинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун бекиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимиз миллий манфаатларини, тинч-осуда ва фаровон ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқро микёсдаги нуфузини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворига айланди.

Тарихий тафаккур

Ушбу кутлуг айём арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги етакчи ижтимоий-сиёсий наشرлардан бири — “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига берган теран жавоблар, шубҳасиз, нафақат юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги, балки халқро микёсдаги катта воқеадир.

Буни “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” мавзусидаги ушбу суҳбатнинг қисқа вақт ичида қўллаб хорижий тилларга таржима қилинганида, оммавий ахборот воситаларида, нуфузли интернет нашрларию газета-журналларда чоп этилганида куриш мумкин. Шунингдек, мулоқот чоғида Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган қуттилмаган хулосалар, янги ғоялар ва ташаббуслар таниқли давлат ва сиёсат, илм-фан, маданият арбоблари, ишбилармон доиралар вакиллари, тахлилчилар, экспертлар ва журналистлар томонидан батафсил шарҳланаётгани, чўқур тахлил қилинаётгани, кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан ўрганаётганидан ҳам билса бўлади.

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан буён ўтган 30 йиллик давр, айниқса, кейинги 5 йилда амалга оширилган тизимли ва дадил ислохотлар, дунёда юз берган ва бераётган ўзгаришлар теран тахлил, ўзига хос сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги

вазифалар аниқ белгилаб берилган ушбу суҳбат дастурий ҳужжат сифатида мамлакатимизнинг халқро даражадаги нуфузини оширишда ҳам муҳим омил бўлди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг асрий орзуси — Ватан мустақиллиги аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, “**ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият куриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, мард ва олижаноб халқимизнинг буқилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди**”, деб алоҳида таъкидлади.

Тикланиш ва тараққиёт

Интервьюда келажакка катта умид ва ишонч, сабр-матонат билан яшаган халқимиз 1991 йил 31 августда ўзининг муқаддас орзусига эришгани алоҳида ва кўтаринки руҳ билан қайд этилгани бежиз эмас. Чунки давлат мустақиллиги Ватанимиз — она Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Бу халқимизнинг минг йиллар давомида барпо этган миллий давлатчилигини тиклаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш имконини берди.

Бундай имконият, айниқса, кейинги 5 йил мобайнида мислсиз кенгайиб, умуммиллий ҳаракат самарасида реал воқеликка айланган Янги Ўзбекистонда янги юксалиш даврига мустаҳкам пойдевор қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тахлилларга кўра, Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини муттасил ошириб бориш натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ва ўртача иш ҳақи номинал миқдорининг икки баробар ўсишига эришилди.

Халқимиз қўлга киритаётган барча муваффақиятлар неғизида Конституциямизда ўз ифодасини топган энг юксак ғоялар, демократик тамойиллар, эзгу мақсадлар, орзу-интилишлар мужассамдир. Таъкидланганидек, ҳар томонлама пишқ-пухта ўйланган ва умумэътироф этилган халқро демократик стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган Асосий қонунимизнинг яратилиши, нафақат мамлакатимиз ҳаётидаги улкан сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий воқеа, балки халқро аҳамиятга молик йирик оламшумул ҳодиса, халқимиз сиёсий тафаккурининг ноёб намунасиридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида сўз юритар экан, нуфузли халқро ташкилотларнинг экспертлари ва тахлилчилар унда энг муҳим халқро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган ва умумэътироф этилган илгор демократик принциплар ўз инъикосини топлганини алоҳида таъкидлайди. Бунда, ўзбек халқининг миллий тарихида, Ўзбекистон ҳаётида биринчи марта замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солингани ва давлат ҳокимиятининг учта мустақил тармоғи — қонун қиравучи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қарор топлани ҳамда том маънодаги конституциявий давлат барпо этилганига эътибор қаратади.

Қонун устуворлиги

Суҳбатда қайд этилганидек, жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий озодликка эришиш ҳеч қачонда енгил ва осонликча кечмаган. Ушбу ҳақиқат Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришишига ҳам бевосита тааллуқли.

Ўтган асрининг 90-йилларига назар соладиган бўлсак, уша оғир йилларда кескин муаммолар гирдобида қолган Ўзбекистон, шунингдек, мустақил тузум ҳали ўзининг мустамалакчилик сиёсатидан воз кечмаган бир пайтда, Ватанимиз давлат мустақиллигининг эълон қилиниши чиндан ҳам буюк жасорат эди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси тўғрйли жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда

янгича муносабатлар, янги имконият ва янги қадриятлар шаклланаётганига халқимиз гувоҳ бўлиб турибди. Бир қатор фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий қўникмалар қаторида “қонун устуворлиги” принципи ҳам реал воқеликка айланмоқда.

Қонун устуворлиги — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши демокдир.

Мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигига эришиш, Конституция нормаларига оғишмай риоя қилиш доимий эътиборда. Бу эса кўп жиҳатдан Конституциявий суд томонидан конституциявий назорат фаолиятининг самарали амалга оширилиши билан боғлиқ.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда Конституциявий суд тизими миллий ҳуқуқий тизимдаги нисбатан янги ва ривожланаётган йўналишлардан биридир. Янги тармокнинг ривожланиши эса бир текисда кечмаслиги маълум.

Янги Ўзбекистон шароитида конституциявий назорат институтини қўчайтириш, уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо қилувчи, ўз ечимини қўтаётган муаммолар йиғилиб қолганди. Чунончи, конституциявий судлов ишларини юритишнинг ҳуқуқий механизмларини қонунан тартибга солиш, конституциявий шикоят институтини жорий этишга эҳтиёж сезилаётган эди.

Бундан ташқари, конституциявий суд ишларини юритиш амалиётининг тахлили мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал этилиши лозим бўлган яна бир қатор долзарб вазифалар ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақозо қиладиган масалалар мавжудлигини кўрсатарди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жаҳбаларида конституциявий назоратни қўчайтиришимиз зарур, деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётини ривожлантириш йили” бўйича Давлат дастурида қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш назарда тутилган вазифалар белгиланди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, 2021 йил 27 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги янги Конституциявий қонун қабул қилинди.

Янги қонун ва янги вазифалар

Янги тхирдадаги мазкур қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада оширишда муҳим омил бўлади.

Бугунги кунда Конституциявий суд судьялари ва экспертлари томонидан янги қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Телевидео каналларда мунтазам чиқишлар қилиниб, матубот анжуманлари ва брифинглар ўтказишга эътибор қўйирилмоқда, газета-журналлар, интернет нашрларда салмоқли илмий ва оммабоп мақолалар чоп этилиб, ижтимоий тармоқларда мунтазам мулоқот йўлга қўйилмоқда.

Янги қонунга биноан фуқаролар ва юридик шахсларга қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сураб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди. Бу янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва унинг мустақиллигини амалда таъминлашга

йўналтирилган тизимли ислохотлар бераётган юксак самаралардан биридир.

Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар рўйхати сезиларли даражада кенгайди. Улар саҳифа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонунчи манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил киритилди.

Фурати келганда айтиш зарурки, жорий йилнинг 20 август кўни Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тадбиркорлари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқот чоғида хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги сиёсатни қатъий давом эттирамиз, деб алоҳида таъкидлади. Бу эса хусусий мулк бошқа мулк шакллари қаби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлишини амалда таъминлашни талаб этади. Бизнес омбудсманга Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқи берилиши айнан тадбиркорларнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шубҳасиз, қонунчиликдаги мазкур янгилликлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада ошириш, мамлакатда Конституция ва қонун устуворлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Буларнинг барчасини мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг, айниқса, инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва эътибор ошиб бораётганининг яққол далили сифатида айтиш мумкин.

Эндиликда фуқаролар ва юридик шахслар ўзларининг бундай ҳуқуқларидан фойдаланиб, Конституциявий судга мурожаат қилмоқда. Жумладан, Конституциявий суд томонидан юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонун 18-моддасининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги мурожаати қўриб чиқиш учун қабул қилинди.

Конституциявий судга аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларнинг тахлили мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал этилиши лозим бўлган қатор долзарб муаммолар ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши зарур масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Зеро, такомиллашиб бориш — давом этадиган жараён.

Мавжуд қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, ўз наавбаида, жаҳонга демократик давлат сифатида танилган янги Ўзбекистон ҳаётининг барча жаҳбаларида конституциявий назоратни янада қўчайтиришга хизмат қилади. Конституциявий суд фаолиятини самарали ташкил этиш, қонун устуворлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини, шу жумладан, фуқароларнинг меҳнат қилиш, билим олиш, мулкдор бўлиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш қаби энг асосий ҳуқуқлари тўла таъминланишининг ишончли воситасидир.

Жамотчилик фикрини ўрганиш марказлари маълумотларига қараганда, аҳоли ўртасида мамлакат ва жамият ҳаётида бевосита иштирок этишга интилиш кўаймоқда. Фуқаролар ислохотларнинг асосий йўналишларига оид қарорлар муҳокама этилиши ва қабул қилинишида амалда иштирок этмоқда. Муҳим дастурий ҳужжатлар ва қонунлар лойиҳаларининг очик-ошкора, демократик руҳдаги муҳокамалари ташкил этилаётгани, уларда жамоат таъкилотлари, экспертлар ва оддий фуқаролар бевосита қатнашаётгани аҳолининг фаол фуқаролик позициясидан, муҳим ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда иштирок этишга дадил интилишидан, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик туйғуси ошиб бораётганидан далолат.

**“ДАВЛАТИМИЗ
РАҲБАРИНИНГ
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”
ГАЗЕТАСИДА ЧОП ЭТИЛГАН
ИНТЕРВЬЮСИДАГИ ҒОЯТ
ДАДИЛЛИК, ФИДОЙИЛИК,
БАҒРИКЕНГЛИК,
ДОНИШМАНДЛИК БИЛАН
ИЛГАРИ СУРГАН ҒОЯЛАР
ВА ТАШАББУСЛАР
ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗГА,
ВАТАНИМИЗГА АНА ШУНДАЙ
ЧЎНГ МЕҲРИ, МУҲАББАТИ
ВА САДОҚАТИ ЁРҚИН
СЕЗИЛИШ ТУРИБДИ. БУНИ
МУЛОҚОТ ЧОҒИДА “ХАЛҚ”
СЎЗИ ЭНГ КЎП — 149 МАРТА
ТИЛГА ОЛИНГАНИДА ҲАМ
КЎРИШ МУМКИН.**

Халқ ишончи

Албатта, дунёда ҳеч бир мамлакат аҳли “биз демократиянинг энг чўққисига чиқдик, буёғи энди — омон”, деб айтолмайди. Демократия — юз йиллардан буён тақомил топиб келаётган таълимот, амалиёт ва бу жараён муттасил давом этади. Демократиянинг замирида давлатни адолатли бошқаришга бўлган халқ ишончи муҳассам. Халқ ишончига асосланган давлатлар тарихан юксак ривожланган ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти томонидан демократик давлат сифатида кенг эътироф этилган бугунги раванки бунга ёркин мисолдир.

Инсон ҳаётига янги техника ва технологиялар кириб келаверади. Башарият ўз турмуш шароитини янада тўқин, янада тўқис ва янада самарали этиш йўлларини излайверади. Бироқ инсон фарзанди ҳаётида бир қадрият ҳеч қачон ўзгармайди. Бу — илм-маърифат, имон-эътиқод, Ватанига ва ўзи мансуб халққа меҳр-садоқат.

Давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган интервьюсида ғоят дадиллик, фидойилик, бағрикентлик, донишмандлик билан илгари сурган ғоялар ва ташаббуслар замирида халқимизга, Ватанимизга ана шундай чўнг меҳри, муҳаббати ва садоқати ёркин сезилиб турибди. Бун мулоқот чоғида “халқ” сўзи энг кўп – 149 марта тилга олинганида ҳам қўриш мумкин.

Улуғларга ҳо бу меҳр ва садоқатда буюк ҳикмат. Ватанин оозод ва эркин, эл-улус ҳаётини янада тўқис ва фаровон қўришга улкан интилиш бор. Бу орзу-интилиш, сазй-ҳаракатларнинг барчаси халқимиз минг йиллар давомида амал қилиб келаётган дил, тил ва амал бирлигига оид буюк фалсафа билан йўрилгани учун ҳам изчил рўёбга чиқмоқда. Жаҳоний эътибор қозониб, қўллаб-давлатларнинг ҳавасини тортмоқда.

Шу ўринда 3 йил илгари мўътабар минбардан айтилган ибратли гаплар ана ёдимга тушди: **Инсон ҳаётга бир марта келади, бахтли яшашни истайди ва унинг бунга тўла ҳаққи бор. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш йўлидаги эзгу сазй-ҳаракатларида кўзланган мақсад-муддао ҳам аслида шу: бугунги кунимиз кечагидан, эртаним бугунги кунимиздан қўра бахтли ва фаровон бўлишига эришиш. Ана шундай улуг ва ҳарли мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши кўп омил ва мезонларга, ўзимизга, яъни ҳар биримизга боғлиқдир.**

Истиқлолнинг 30 йиллиги нишонланаётган мамлакатимизда мустаҳкам қарор топлган тинчлик-осойишталик, фаровонлик, қўт-барак, эркинлик, хурфикрлик, қонун устуворлигининг, изчиллик билан амалга оширилаётган дадил ислохотлар бераётган юксак самараларнинг қадрига етиб, она Ўзбекистонимиз янада раванқ топиши учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солиш, эл-юртимиз, халқимиз розилигига эришиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

ФАРМОНГА ШАРҲ

Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида жамиятимизнинг барча соҳаларида эришилаётган ютуқлар ҳақида ҳар кўни муҳим хушхабарлар тарқалмоқда. Президентимизнинг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони ҳам ана шундай муҳим хабарлардан бири бўлди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 фуқаро афв этилди.

Айтиш керакки, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар жараёнида халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, орзу-умидларини, интилишларини тўла рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиб беришга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жараёнда адашиб, номақбул йўлга кирган, аммо кеч бўлса-да, ўз қилмиши хатолигини англаб етиб, чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган қордошларимизнинг соғлом ҳаётга қайтишига имкон бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар қўрилаёттир. Уларга нисбатан афв

АФВ ИНСТИТУТИ

Халқимизга хос кециримлик, бағрикентлик ва инсонпарварлик хислатларининг муҳим кўзгуси

институтини қўлланиб, оиласи ва халқимиз олдида ўзини оқлаши, ҳаётдан ўрнини топиши, ҳалол меҳнат қилиб, турмуш тарзини изга тушириши учун имконият берилмоқда. Маълумотларга кўра, охириги беш йилда юртимизда 16 марта афв эълон қилиниб, 4965 фуқаро афв этилгани халқимизга хос бағрикентлик, инсонпарварлик, кециримлилик ва олижанобликнинг яққол намунасиридир.

— Афв институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқлари борасидаги ислохотларнинг муҳим қўрнини бўлди, — дейди Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) қотибияти сектор мудири, Габит Айдаров. — Бу юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида нафақат демократик ва инсонпарварлик тамойилларига, балки халқро стандартларга ҳам риоя қилинишини яққол намоён этади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида ана 215 нафар шахс ана шу имкониятдан баҳраманд бўлди. Айтиш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бу хайрли ишлар халқимиз, қолаверса, жаҳон ҳамжамияти томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлишида ҳам юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида рўй бераётган ана шундай янгиланишлар муҳим омил бўлмоқда.

— Афв этиш Президентнинг конституциявий ваколатларидан бири ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини ўринбосари Худоев Мелиев. — Амнистия актидан фарқли равишда афв муайян шахслар учун уларнинг шахсини тасдиқловчи маълумотларни, ёши, жисмоний, оилавий ҳолати ва бошқа жиҳатларни эътиборга олиб, жазодан озод қилиш саналади. Афв тўрт хил шаклда амалга оширилади. Асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, муддатидан илгари шартли озод қилиш, умрбод озодлиқдан маҳрум этиш жазосини ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ва судланганликни олиб ташлаш билан боғлиқ, Президентимиз фармонида мувофиқ, афв этилганларнинг 3 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 127 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 12 нафарининг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 73 нафар шахсга тайинланган озодлиқдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди. Бошқача айтганда, 142 нафар маҳрум жазо муассасасидан чиқиб, оиласи бағрига қайтди.

— Озодлик улкан бахт. Унинг қадрини ҳамиша англаб етолмаймиз, — дейди афв этилган

лардан бири. — Айниқса аёл, она учун оиласи, фарзандлари дийдоридан ортиқ бойлик йўқ. Афсуски, мен буни кен англадим, адашиб хатога йўл қўйдим. Шу хатоимни кецириб, мени оиламга қайтарган Президентимиздан бир умр миннатдорман. Бу ишончини, албатта, ҳалол меҳнатим билан оқлайман.

— 10 йил муддатга озодлиқдан маҳрум этилган эдим, — дейди афв этилганлардан яна бири. — Ота-онамга, яқинларимга ҳам кўп ташвиш туғдирдим, тинчини буздим. Гарчи қилмишимга минг қарра пушаймон бўлсам-да, муддатидан илгари озодликка чиқаман, ота-онам бағрига қайтаман, деб умид қилмаган эдим. Президентимизга, халқимизга катта раҳмат. Мен сингари адашганларга тўғри ҳаётга қайтиш учун имкон берилди. Бу имкониятни жуда юксак қадрайман. Ҳозир ёшлар тадбиркорлик қилиш, ўз салоҳиятини намоён этиши учун барча шароитлар яратилляпти. Мен ҳам шундан фойдаланадиган, ҳалол меҳнатим билан ота-онам, халқимизга хизмат қилмоқчиман.

Фармонда афв этилган шахслар оиласи ва яқинлари бағрига қайтиб, ижтимоий ҳаётга мослашиши, фойдалан меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишида уларга қўмак бериш бўйича

масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

— Президентимизнинг ушбу фармонида белгиланган вазифалар ижросига ҳозирданок киришилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирини ўринбосари Яхёнов Абдулҳақов. — Афв этилганлар ички ишлар идоралари ҳодимларининг бевосита кузатувида яшаш манзилларига етказилди. Энди ишларимизнинг иккинчи босқичи бошланади. Тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда афв этилганларни оилага, жамиятга мослаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу жараёнда уларга ҳар томонлама қўмак берилади. Жумладан, касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш, даволанишга муҳтож бўлса, соғлигини тиклаши ва бошқа эҳтиёжлари ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилади. Маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида улар билан доимий учрашувлар ташкил этилади. Мақсадимиз уларни қайта жиноят содир этишдан асраш ва ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмаклашишдир.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги шодиёналари шу тахлит қўллаб оилаларда қўшалоқ шодиёнага айланиб кетди. Афв этилганлар орқали қанча-қанча оилаларга шодлик, қувонч ва бахт кириб борди. Фарзанди дийдорини зориқчи қўтаётган ота-онанинг чироқ ёқса ёришмайдиган кўнгли нурга чўлганди. Ота ёки онасидан айро яшаётган фарзандларнинг кемтик қалби нурафшон бўлди. Буларнинг барчаси халқимизга хос бағрикентлик, олижаноблик, кециримлилик фазилатларини ўзида муҳассам этган афв институтининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини яққол ифода этувчи муҳим далиллардир.

**Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

ТУҲФА

Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз керак: миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдириш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ”НИ ЯРАТИШ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон замини жаҳон цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири ҳисобланиши, халқимиз икки буюк Ренессанс — Уйғониш давларидан инсоният тараққиётига улкан ва тенгсиз ҳисса қўшгани нафақат бизнинг минтақамиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан яқдиллик билан эътироф этилади. Ана шундай улуг тарихий йўлни босиб ўтган элимиз келажақда янада улкан марраларни, илм-маърифат, маданият ва иқтисод борасида юксак қўққиларни эгаллашга қодир, албатта.



Аҳмадали АСҚАРОВ,
тарих фанлари доктори,
академик

Президентимиз Шавкат Мирзиёев янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш ташаббусини илгари сурак экан, бу ғоя ҳар томонлама мустақам тарихий асосга эга эканини назарда тутгани шубҳасиз. Бир неча минг йиллик тарихга эга халқимизнинг юқори интеллектуал салоҳияти ишонч билан ана шундай оламшумул, прагматик сиёсат қилиш учун тўлиқ асос бўлади. Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан асосий эътиборини илм-фан ва таълимни ривожлантиришга қаратгани бежиз эмас. Чунки бу тармоқларни ривожлантиришдан туриб жамиятни тараққиёт сари етаклаб бўлмайди.

Илм-фаннинг асосий, фундаментал йўналишларидан бири — тарихдир. Юрт тарихи, ўтмишда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хатолар, буюк ихтиролар ва йўқотишлар ҳар томонлама чуқур ва объектив ўрганилмаса, таҳлил қилиниб, зарур хулосалар чиқарилмаса, жамият кўзи боғланган киши сингари олдинга фақат тусмоллаб қадам босиши аён ҳақиқат. Донолар айтганидек, баланд иморат қуриш учун, аввало, пойдевор мустақам бўлиши керак. Пойдевор ишончли бўлса, ҳеч иккиланмасдан бундай иморатни қават-қават қилиб қуриш мумкин.

Ҳар бир юрт ва халқнинг ўзига хос келиб чиқиш тарихи, ривожланиш йўли бор. Турли сабабларга кўра чегаралар ўзгариб, ҳудудлар кенгайиб ёки тарайиб бориши мумкин. Бироқ ҳаёт бир ерда тўхтаб қолмаганидек, барча миллатлар ва халқларнинг ихтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти муқом олдинга қараб илдамлайверади, ҳаётда ўтган ҳар бир сония, дақиқа, соат, йил, аср ортда қолаверади, яъни тарих гилдирати тинимсиз айланади. Мазкур вақт ичида ўз берган ҳар қандай воқеа, инсон ақлу за-

тарбиянинг аҳамияти кўчайиб бораётган ҳозирги давр талабларидан келиб чиқилса, бу табиий эътиёжнинг аҳамияти янада ошади.

Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2021 йил 19 январда бўлиб ўтган йиғилишида янги жамият барпо этиш, унинг сифат таркибини такомиллаштиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттиришнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи — маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустақкам устунга, яъни бозор таъминотлари асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аҳдоқдорларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз”, дея алоҳида таъкидлади. Ушбу ғояни тараққиётда интилан жамият ҳаётига янгича қараш, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг ўзига хос формуласи деб баҳоласақ, тўғрироқ бўлади. Зеро, жамият қанчалик фаровон бўлгани билан одамлар илм-фан, санъат, маънавият ва маърифатдан йироқ бўлса, бундай ҳаётнинг қонсиз томридан, сувсиз сойдан фарқи қомайди. Бундай жамият охири-оқибатда таназзулга юз тутади.

Бугунги кунда республикамизда миллий ғоя ва жамиятнинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни давлат сиёсати даражасига кўтариш, мавжуд барча куч ва имкониятларни ушбу муҳим ишга сафарбар этиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар ҳам мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган прагматик мақсадлар билан узвий боғлиқдир. Бу борада олдимизда асрлар, минг йиллар давомида ечимлай келаётган қўлдан-қўл муаммолар тургани ҳам айна ҳақиқат. Уларни тизимли равишда ҳал этишда тарих илмининг ҳам ўз ўрни ва масъулияти бўлиши табиий.

Қариб 130 йиллик мустамлака давридан сўнг эришилган мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, илм-фан, хусусан, миллий тарихчилик мактабининг бутунлай ўзгача шароитда оёққа туриб олиш жараёни осон кечмади. Ўтган йиллар давомида тарихга янгича, ҳолис муносабатини шакллантириш, янги тарихимизни яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Бироқ, соҳанинг мақсад ва вазифалари, илмий усул ва ёндашувларни замон талаблари асосида, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда тўғри белгилаб олишда қўл келадиган янгича дунёқараш ва илм-фанга таянган самарали ва замонавий тизим яратишда муаммолар борлигини ҳам тан олиш лозим. Шу ўринда сўнгги йилларда ёшларимиз ўртасида юртимиз тарихига қизиқиш сезиларли даражада кўчайгани, бу заминда яшаётган халқларнинг ўтмишини ўрганиш, бу йўналишда илмий изланишлар қилишга интилиш ортгани эътиборга лойиқ.

Жамиятимиздаги мана шундай интилишларни инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан, тарихчи, археолог, маданият, санъат, иқтисодиёт ва бошқа соҳалардаги салоҳиятли олимларимиз иштирокида “Ўзбекистон тарихи ва манбалари” туркумидаги жамланмаларни яратишга киришилди. Ўн бир жилддан иборат ушбу салмоқли рисолати тайёрлаш мақ-

заридан келиб чиқиб эмас, балки ўзбек халқи бошидан кечирган, ўзбек давлатчилиги доирасида кечган тарихий воқеаликни ҳолис ўрганиш, таҳлил этиш ва ёритиш натижасида вуқудга келди.

Қўп жилдли “Ўзбекистон тарихи ва манбалари” оммабоп мажмуасида энг қадимги даврлардан бугунги кунгача ўз берган муҳим воқеаларни бирламчи манбалар негизида, янгича ёндашув асосида қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилган. У мустамлакачилик замонида тарих фанига зўрлик билан сингдирилган ва ҳалигача ўзининг салбий таъсирини сақлаб қолаётган формациявий қарашлардан холи бўлиб, ўтмишни ўрганиш ва ёритишда янгилик ҳисобланган цивилизациявий-сулолавий ёндашув асосида ёзилгани билан ҳам ажралиб туради.

Жамланмада Туронзаминда давлатчилиқнинг шаклланиши ва ривожланиши, тараққиёт ва таназзул жараёнлари таҳлили, кун кечиришнинг ибтидоий усулларидан тортиб, илк меҳнат ва ҳимоя қуролларининг яратилиши, қадимги техника ва технологияларнинг пайдо бўлиши, адабиёт, санъат, маданият, илм-фан, таълим, иқтисодиёт ва халқаро муносабатларнинг тарихий илдизлири ёритилган. Бир вақтлар хорижий мактаб ва марказлар томонидан илгари сурилган “Бу заминга македониялик Искандар маданиятини олиб кирди”, “Бу ҳудудга ислом цивилизацияси тараққиётни олиб келди”, “Ўзбек халқи XVI асрда пайдо бўлган” каби хато, бирёқлама, ғарбона қарашларни рад этадиган асл тарихий воқеаликлар киритилган.

Аслида дунёдаги ҳар бир халқ ўз тарихи, ўзига хос тафаккури, маданияти ва турмуш тарзига

Қўп жилдли “Ўзбекистон тарихи ва манбалари” оммабоп мажмуасида энг қадимги даврлардан бугунги кунгача ўз берган муҳим воқеаларни бирламчи манбалар негизида, янгича ёндашув асосида қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилган. У мустамлакачилик замонида тарих фанига зўрлик билан сингдирилган ва ҳалигача ўзининг салбий таъсирини сақлаб қолаётган формациявий қарашлардан холи бўлиб, ўтмишни ўрганиш ва ёритишда янгилик ҳисобланган цивилизациявий-сулолавий ёндашув асосида ёзилгани билан ҳам ажралиб туради.

эга. Ҳар бир халқнинг ҳаётида асрлар давомида шаклланган бундай жиҳатларни қамситиб ёки бирини иккинчисидан устун қўлиб бўлмайди. Инсоният цивилизациясининг илк даврларидан бошлаб турли халқларнинг турмуш тарзи у ёки бу шаклда, кўпроқ ёки камроқ даражада бўлса-да, бир-бирига ижобий ёки салбий таъсирини ўтказиб келган. Урушлар, истилолар туфайли қучлироқ салоҳиятга эга бир халқнинг иккинчи халқга ўз маданиятини мажбуран сингдириши ҳолатлари ўз берганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Албатта, бу жараёнга икки хил ёндашув — ижобий ёки салбий мазмунда баҳо бериш мумкин. Бир маданиятнинг иккинчи маданиятни табиий равишда бойитиши ижобий ҳодиса ҳисобланади, аммо зўравонлик, қирғинбарот уруш ва вайронгарчиликлар, минглаб беғуноқ инсон умрининг заволи орқали таъсир ўтказиши ҳеч бир замонда оқлаб бўлмайди. Жумладан, ҳарбий куч воситасида Туронзаминга кириб келган ислом дини маҳаллий халқлар ҳаётига бегона маданиятни сингдиришга йўл очган бўлса-да, муайян даражада ижобий натижаларни ҳам келтириб чиқарди. Хусусан, Туронда тарихан мавжуд бўлган қадимги маданият ва илмий салоҳият янги кириб келган исломий қарашларни, шунингдек, инсонларнинг ҳаёт тарзини толерантлик ва юксак инсонпарварлиқнинг илмий асослари билан бойитди. Агар бу заминда яшаётган халқлар етарли даражада интеллектуал салоҳият ва ўзига хос кучли ҳаёт маданиятига эга бўлмаганда, юқоридаги ҳодиса содир бўлиши мумкин эмас эди. Зеро, халқнинг Уйғонишлар давридагидек кучли илмий юксалиши таъминлаш салоҳиятига эга бўлиши учун ўз, икки юз йил эмас, балки минг йиллар керак бўлади. Соғлом ақл мантиси билан хулоса қилинса, биликнинг зўрлиғи ҳеч қачон ақл ва салоҳиятнинг устунилигини исботловчи омил сифатида эътироф этилмайди.

Қўп жилдли “Ўзбекистон тарихи ва манбалари” жамланмасини яратиш асосида ўтмишга сиёсатдан холи, объектив ёндашиш орқали қандайдир тарихий кашфиёт қилинди, деган фикрдан йироқман. Аслида дунё ва халқлар тарихига реал куз билан қарайдиган прогрессив нуқтаи назарга эга олимлар аллақачон ана шундай тўхтамага келишган. Ушбу объектив қарашлар доирасида ўзбек халқи ва давлатчилигининг қўп минг йиллик тарихи ҳаққоний равишда, ақдоқларнинг турли йўналишларда кечган турмуши, эришган ютуқлари, инсоният тамаддуни тараққиётига қўшган тенгсиз ҳиссаси, шу билан бира, бой берилган имконият ва йўл қўйилган хатолар рўйроост кўрсатиб берилмоқда. Жумладан, унда тарихий таназзул даврларининг асл сабаблари, халқнинг стихияли ҳаёт тарзи жамиятга чирмовуқдек ёпишиб олиши, илм-фан ва техника тараққиёти четга суриб қўйилгани, ўзаро ички уруш ва низолар авж олгани, дунёвийлик ва динийлик орасидаги соғлом мувозанат бузилиши, ортодоксал қарашлар ва оқимлар жамиятнинг юқори қатламни эгаллаб олиши ва давлатчилиқнинг

издан чиқиши, реал ҳаётдан чекиниш каби салбий жараёнлар баҳоли қудрат очиб берилган.

Тўғри, жамланмадан ўрин олган асарлар, тарихий манбалар айрим жузъий қамчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Зотан, тарихни муқаммал ёритиш учун ҳали қўп меҳнат қилишга тўғри келади. Халқимизда Ўзбекистон тарихини миллий манфаатлар доирасида объектив шакллантириш орузси пайдо бўлганига қўп йиллар бўлди. Бироқ, тарихчи олимларимиз ўртасида бирлик ва ҳамкорлиқнинг сустлиғи, тарихга ёндашувнинг ўта сиёсийлашган қўриниши, объективлиқдан гоҳ ўнг, гоҳ сўл томонга оғишлар, ўзаро тортишувлар шу чоққача бу орузнинг тўлақонли амалга ошишига тўсик бўлиб келди.

Шунга қарамай, бир қатор олимларимизнинг қўп йиллик машаққатли изланишлари, меҳнатлари эвазига ушбу жамланма нихоят шакллантирилди.

Шу ўринда мажмуанинг биринчи жилди нега бу қадар қисқа, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, биринчи китобда тарихимизнинг қадимги замонлардан бугунги кунгача бўлган даврлари аниқ манбалар асосида қисқа, тезис шаклида бир илга тизилган. Бу ўринда замонавий, янгича муносабатнинг асосий параметрларини белгилаб олишга ҳаракат қилинган. Чунки биргина жилдда олис даврларни қамраб оладиган мураккаб тарихнинг барча жиҳатларини тўлақонли ёритиб беришнинг имкони йўқ. Шу боис, келгусида жамланманинг биринчи жилдини тўлароқ, ноёб бирламчи археологик материаллар асосида янада бойитиш кўзда тутилган. Айниқса, бирламчи цивилизациялар давридан то ўзбек давлатчилиқининг ислом цивилизацияси даврига қадар кечган тарихий жараёнларини кенг

вола қилинмоқда. Ўрни келганда шу масала билан боғлиқ бўлган бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ўтмишда қўпгина ҳукмдорлар қўллар ва ёлпанма аскарлардан тузилган қўшинга алоҳида эътибор беришган. Бундай лашкар қўшинча турли муаммо ва низоларга сабаб бўлгани, ҳал қилувчи жангларда панд берганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Эътиборли жиҳати, буюк саркарда Амир Темур ҳеч қачон бундай йўл тутмаган. Унинг музаффар лашкари ўша даврдаги энг замонавий қурол-ярроғларга эга, юрти ва халқи манфаатлари учун жонини ҳам аямайдиган, юксак руҳий ва жисмоний тайёргарликка эга мард ва жасур аскарлардан таркиб топган эди. Унинг зафарли юришларида шу омил ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Афсуски, XVI асрдан эътиборан юртимиз заминдаги салтанатлар ҳар томонлама заифлашиб, уларда қўшин тузиш тузуғи ва тартиб-интизом ҳам издан чиқди. Хива, Бухоро ва Қўқон хонлиқлари асрлар давомида арзимоан сабаблар туфайли ўзаро қирғинбарот урушлар қилишди. Энг ачинарлиси, бу даврда уларнинг қўшини асосан қўл ва асирлардан ташкил топган эди. Бинобарин, руҳан бегона, фақатгина шахсий манфаатини ўйлайдиган аскар ҳеч қачон юртга ишончли қўроғ бўлолмайди. Бундай ачинарли ҳолатлар охири-оқибат амирлик ва хонлиқларнинг таназзулга учираб, халқимизнинг қўллик исканжасига тушиб қолишига олиб келди.

Албатта, ўтмишда йўл қўйилган қамчиликлар, халқимиз бошидан кечирган ачиқ тажрибалар келгуси авлодлар учун ўзига хос сабоқ вазифасини ўташи лозим.

Шу маънода, бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз Қуролли Қўчаларини энг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, аскар ва зобитларимиз онига ватанпарварлик, халққа, она Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат руҳини сингдириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти жуда катта. Таъбир жоиз бўлса, Шавкат Мирзиёев бу йўналишдаги кенг қамровли иш-хотларни орқали ҳарбий соҳада Соҳибқирон Амир Темур даврига хос бўлган ёндашувни қайта тиклади.

Мажмуанинг тўққизинчи-ўн биринчи жилдларидан тегишлича Самарқанд, Бухоро ва Хоразм тарихи ўрин олган.

Юқоридагилар Ўзбекистон, бу ҳудудда яшаган халқлар тарихини янгича нуқтаи назарда шакллантириш борасида дастлабки қадамлардир. Келгусида “Ўзбекистон тарихи” жамланмасини янада муқаммаллаштириш ишлари тизимли равишда давом эттирилади. Илмий изланишлар орқали тарихимизда муҳим роль ўйнаган ҳар бир давр, династиялар фаолияти, келажак учун фойдали хулосалар чиқариш учун ҳам эришилган ютуқлар, йўл қўйилган қамчилик ва нуқсонлар ҳаққоний, адолатли, рўйроост очиб берилиши керак. Тарихчилар опдида жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этган ҳар бир тарихий давр, ренессанслар тарихи, қишлоқ ҳўжалиғи, сўғориш тизими, қўп тармоқли ҳўнармандчилик, саноат, маданият, илм-фан, шахарсозлик, адабиёт, тил тараққиёти ва бошқа соҳалар тарихи янгича нигоҳ билан ёзилми зарур. Албатта, бу мавзулар кейинги жилдларда ўз аксини топади.

Шубҳасиз, бу — улкан ва узлуқсиз, катта илмий салоҳият ва меҳнатни талаб қиладиган жараён. Ушбу мақсадга эришиш учун тарихчи олимларимиздан яқдиллик, ҳамфирқлик, мақсадлар муштарақлиги талаб этилади. Чунки кимдир тарихга ёндашувнинг эски мактабига ёпишиб олса, бошқа бири хаддан ортқ модернизацияга берилиб кетса, бунинг оқибатида тарихий реаллик чекинади, қўзланган умумий мақсадга эришиш қийин кечади.

Бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистон тарихи ва манбалари” туркумидаги жамланмаларни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий изланишлар, изчил тадқиқотлар давом эттирилса, қўзланган натижаларга албатта, эришамиз.

АКС-САДО

Давлатимиз раҳбарининг яқинда “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсини бутун дунё ўқимокда. Интервьюда она юртимиз Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бораётгани, бу эса, ислохотларимизнинг энг катта натижаси экани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, кеча ва бугуннинг таҳлили, келажак режалар аниқ-пухта қилиб белгилаб берилди.

ЯГОНА ХАЛҚ, ЯГОНА МИЛЛАТ БЎЛИБ КЎЗЛАГАН ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА, АЛБАТТА ЕТАМИЗ



Толибжон МАДУМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари

Президентимиз таъкидлаганидек, бундан беш йил олдин қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси туб мазмун-моҳиятини мухтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатда ўз олдимизга янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиб буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйган эдик. Ўтган йилларда ушбу хайрли мақсад йўлида туб ислохотлар амалга оширилди. Шу ўринда охириги беш йил мобайнида амалга оширилган ислохотларга бир назар ташласак. Республикада 2017 йилга “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб ном берилиб, давлат дастури қабул қилинди. Ушбу асосда аҳоли ичига кириб бориш ва оилаларнинг ижтимоий ҳолати бўйича ишонарли ва аниқ далилли маълумот тайёрлаш, таснифлаш, камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ва йўл хариталарини ишлаб чиқиш, кенгайта тасдиқлангач, кун-ма-кун ижросини таъминлаш ва назоратга олиб бориш вазифаси қўйилгани жамиятнинг янги босқичга қадам қўйишида “оптин пилла-поп” вазифасини ўтади.

2018 йилда “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурларининг эълон қилиниши муҳим воқеа бўлди. Бошқа соҳалардаги ишлар қаторида айнан мана шу дастурлар ижроси борасидаги ислохотлар Ўзбекистоннинг дунё томонидан эътироф этилиш жараёнида ўзига хос бир босқич бўлди. Мазкур дастурлар доирасида юртимизнинг барча ҳудудида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Элиқалъадан Қўрғонтепагача, Термиздан Қибрайгача бўлган ҳудудларда кечаю кундуз иш қайнади. Дастурга тушган қишлоқ ёки шаҳар қиёфасининг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини мен ўзим туғилиб ўсган Файзобод қишлоғи мисолида айта оламан. Олдинлари қишлоқда мактаб, болалар ботчаси, озиқ-овқат дўкони каби санокли маиший бинолар бўларди. Ҳозир қишлоққа борсангиз, ақлингиз шошиб қолади. Текис ва раван йўллар, замонавий уйлар, савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилиб, қишлоқ инфратузилмаси тубдан ўзгариб кетди. Кичик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди, қишлоқда ҳам тадбиркорлар қатлами пайдо бўлди.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” юритилиб, кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлами билан алоҳида ишлар олиб борилди. Мактаб, мактабгача таълим муассасасининг кўриниши ибратомуз даражага келтирилди. Ички йўллар ҳам таъмирланиб, ободонлаштирилди. Энди бу кўчалар бўйлаб юрсангиз бахру дилингиз очилади. Энг муҳими, бу қурилишлар дастур асосида, бир йил ичида бекаму кўста амалга оширилди.

Нигоҳ

НУҚТАИ НАЗАР

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР, ЮТУҚЛАР



Садриддин ТУРОБЖОНОВ,
Тошкент давлат техника
университети ректори,
техника фанлари доктори,
профессор

Жамият тараққиёти амалга ошириладиган ислохотларнинг қўламини ва мантисига боғлиқ. Қайси соҳа эътиборга муҳтожлигини илғаб, чуқур ва ҳар томонлама ўйлаб амалга оширилган ислохотларгина халқнинг мушкулларини осон, оғирини енгил, турмушини фаровон қилади, муаммоларига ечим топиб беради. Бажариладиган ишлар замирида бугунги муаммоларни ечиш билан бирга узоқ келажак ҳам кўзланган бўлиши лозим.

Аччиқ бўлса ҳам тан олиш керак, мамлакатимизда жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, аҳолининг демографик ўсиши, салмоқли қатлам бўлган ёшларнинг интилиши, глобал технология жараёнларини ҳисобга олмаган ҳолда таълим тизимида ўтказилган ислохотлар қўтилган самарани бермади. Унинг асосида муаммолар кўпайса кўпайдики, қамаймади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга ошириладиган ислохотлар, биринчи навбатда, демографик жараёнлар ва урбанизацияни, башарият тафаккури ҳамда халқимизнинг ўсаётган сиёсий дунёқараши, онги ва маданияти, умумхалқ манфаати чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик санасини нисонлаймиз. Тарих учун ўттиз йил арзимас, албатта, лекин бу жамият тараққиёти учун анча салмоқли муддат ҳисобланади. Шу йиллар давомида нимага эришдик, қандай ютуқларни қўлга киритдик, деган саволлар ҳаммамни қизиқтиради.

Жамият тараққиёти ҳамма вақт ҳам бир текисда ривожланмади, чунки у ўз йўлида қарама-қаршиликларга, зиддиятларга бой бўлади, лекин ана шу зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни мустақам ирода ва матонат билан енгиб, ўзининг тараққиёт йўлини тўғри танлаб олишда мамлакат етакчиларининг роли ва ўрни катта бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига берган жавобида таъкидлаганидек, “Мустақил тараққиёт борасида эришган улкан ютуқлар билан бирга, йўлимиз айрим хато ва камчиликлардан ҳам холи бўлмаганини очик айтиш лозим. Мустабид тузумдан воз кечиб, демократик жамият барпо этишга қаратилган жараёнлар, мураккаб ва тахликали даврнинг ўзи турли муаммо ва вазифаларни олдимизга қўйди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун билим ва тажрибамиз, ирода ва қатъиятимиз баъзан етса, баъзида етмаган ҳолатлар ҳам бўлди”.

Агар етакчи бўрилиш палласини ҳис қила олмас, жамият турғунликда қолиб кетади. Шунинг учун ҳам тарихчилар шахснинг тарихдаги ролини алоҳида эътироф этиб, уни алоҳида илмий мавзу сифатида ўрганади. Шу маънода халқимиз етакчи масаласида шукрона айтиб келмоқда. Ҳар қандай ютуқнинг гарови — бу тинчликдор. Шундай экан, жамиятимизнинг барқарор ривожланишида миллат етакчисининг хизматлари катта, буни халқимиз қадрлайди.

Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик лавозимига келиши билан мамлакатда кенг қамровли ислохотларни амалга оширишнинг натижаларини таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистон муҳим тарихий бўрилиш палласида турганини аниқ кўрамиз.

Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида кейинги беш йил ҳеч ўйлаб қўрилмаган, хавфга келтирилмаган янгилликларга бой бўлди. Айнан шу даврда мамлакатимиз иқтисодиётида, маданияти ва маънавиятида, ижтимоий-сиёсий ҳаётида, турмуш тарзида, дунёқараши, тафаккурида демократик ўзгаришлар юз берди. Умуман ҳамма соҳада катта юксалиш, ривожланиш ва ижобий ўзгаришлар даври бўлди. Бу беш йилликда демократик қадриятлар, фуқароларнинг демократик-ҳуқуқий эркинликлари қарор топиб, матбуот ва сўз эркинлигига йўл очиб берилди. Жамиятга демократик ҳуқуқий ва матбуот эркинлигини бериш ҳар қандай давлат раҳбаридан катта матонат ва жасорат талаб этади. Шавкат Мирзиёев ўзида ана шу матонат ва жасоратни топа олди. Бу хизматлари билан Президентимиз ҳаризматли шахс эканини исбот-

лади ҳамда Ўзбекистон тарихида демократик президент сифатида алоҳида жой олди. Булар ҳаммаси халқимиз учун ҳақиқий маънодаги тўхфа бўлди. Буни айтишдан мақсадим — таълим эркинликни севади.

Таълим тизимида, жумладан, олий таълимда амалга оширилган ислохотлар натижасида юз берган ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан катта тарихий аҳамиятга эга. Амалга оширилган ислохотлар нафақат мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, ҳатто халқаро майдонда ҳам мамлакатимиз обрў-эътиборини янги босқичга олиб чиқди. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимиз таълимдаги камчиликларни танқидий таҳлил қилиб, уни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берди. Таълим тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, маънавий-маърифий муҳитни замон талабига мослаш, ўқитувчи касбининг, нуфузини ошириш, янги давр пе-



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ Сони 141 тага етди, қабул ўринлари 66 мингтадан 182 мингтага ошди. Хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг 26 та филиалида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълимнинг қамров даражасини босқичма-босқич ошириш, тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқув юктамаларини мақбуллаштириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 баробарга оширилиши — олий таълим ислохотларининг дастлабки натижаларидир.

дагогларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини таълимга жорий этишга катта эътибор қаратиш масалаларига жиддий ёндашиш ва шу билан бирга, ўқитувчилар ойлигини ошириш ва рағбатлантириб бориш зарурлигини кўрсатди, бу масалаларда катта ишлар амалга оширилди.

Замонавий илм-фан ва ишлаб чиқариш томонидан илгари сурилган барча масалаларни ишонч билан ҳал қилишга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш учун олий ўқув юртиларида барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилмоқда.

Ҳар қандай барқарор ривожланаётган жамиятда хато-камчилик бўлгани каби, бизда ҳам улар мавжуд бўлганини тан олиш керак. Ёшларнинг олий таълим олиш ва конституцион ҳуқуқларини рўйбга чиқариш имконияти маълум даражада чекланган эди. Кейинги беш йилда ўтказилган Олий таълим ислохотларида бундай ҳолатларга бутунлай чек қўйилди ва у ўтмишга айланди. Олий таълим ислохотларининг маҳсули сифатида мамлакатимизда олий маълумот оломқчи бўлган ҳар қандай фуқаро учун имкониятлар эшиги очилди. Аниқроқ айтганда, ёшдан катби назар, олий маълумотни қундузга, кечки ва ситқи таълим шаклида олишга шароит яратилди. Ўшани мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ёши, миллати ва элатидан қатъи назар, ўзининг Конституцион ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, меҳнат стаж, иш тажрибасига эга бўлган фуқаролар ўзлари ишлаётган корхонанинг юқори ташкилотлари тавсияси билан имтиҳонсиз, суҳбат асосида олий ўқув юртига кириш имкониятини қўлга киритди. Жумладан, камида 5 йил иш стажига эга ходимларини 2021-2022 ўқув йилида давлат

ОТМларининг сиртки ва кечки таълим шаклига ўқишга кириши учун Республикадаги 71 та ташкилотга тавсия бериш ҳуқуқи берилди. Улар томонидан берилган йўлланмага кўра, ишловчи ходимлар имтиҳонсиз, суҳбат натижаларига кўра, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилиш қондасининг қиритилиши халқимиз учун қўтилмаган янгиллик бўлди. Ҳар бир ташкилот 100 тагача ходимига шундай йўлланма бериши мумкинлиги ҳам қайд этилди. Олий таълим ислохотининг бу қондаси бозор муносабатларининг моҳиятига ҳам мосланди.

Олий таълим ислохоти, фуқароларнинг олий таълим олиш ҳуқуқи тўғрисида гап борар экан, ўрта мактаб ва коллежлар битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш масаласи ҳам ечимини қутаётган ўткир муаммолардан эди. Мактаб ва коллеж битирувчилари билан олий ўқув юртиларининг нисбати кескин фарқ қилиши билим оламан, деган илмга чанқоқ ёшларнинг эҳтиёжини қондира олмаслиги оқибатида минглаб ёшларнинг яқин ва узоқ мамлакатларга чиқиб кетишига олиб келди. Президент ташаббуси билан қўрилган чора-тад-



бирлар туфайли 2017-2021 йилларда бу рақам олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етди.

Мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2030 йилда 50 фоизга етказилади. Шунга ҳисобга олиб, олий ўқув юртиларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари 2 баробар кўпайтирилади.

Олий таълим муассасалари сони 141 тага етди, қабул ўринлари 66 мингтадан 182 мингтага ошди. Хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг 26 та филиалида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълимнинг қамров даражасини босқичма-босқич ошириш, тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқув юктамаларини мақбуллаштириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 баробарга оширилиши — олий таълим ислохотларининг дастлабки натижаларидир.

Олий таълим ислохотларининг муҳим қирраларидан яна бири ёшларимизнинг бир вақтда бир неча олий ўқув юртига ҳужжат топшириш масаласи эди. Мамлакатимизда анча йиллардан буён фаолият юритаётган хорижий олий таълим масканларининг қабул жараёнига ҳавас билан қараб келар эдик. Зеро, бир вақтнинг ўзида мамлакатимиздаги ҳамма хорижий олий ўқув юртиларига ҳужжат топшириш мумкин эди. Бу ҳолат бизни ҳам ҳайратга солар, ҳам ҳавасимизни келтирган. Президентимиз айнан ана шу масалада “Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир неча олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлаймани, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади”, — деб таъкидлаган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай ёшларимиз шундай имкониятга эга бўлди.

Кейинги йилларда олий таълим тизимига нодавлат ва хусусий секторнинг, шунингдек, қўлаб хорижий олий ўқув юртилари ва филиалларининг кириб келиши ижобий ҳолат бўлди. Бир жиҳатдан олий таълимнинг қамрови кенгайса, иккинчидан, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида ижобий маънодаги ўзаро рақобатни таъминлайди, тизимда бозор қонунилари ишлаш бошланади. Зеро унинг натижаси муҳим ҳисобланади, чунки ҳар бир олий ўқув муассасаси сифатли кадрлар тайёрлаш учун курашади. Рақобат ва бозор сифатсиз маҳсулотларни ёқтирмайди. Натижада рақобатбардош маҳсулот яратиш ҳар бир олий таълим муассасасининг асосий мақсадига айланади, натижа қўтилганидек юқори бўлади. Шулларнинг ўзиде таълимдаги ислохотлар чуқур ўйланган ҳолда олиб борилаётганини аниқлади.

Тизимдаги ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, олий таълим билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқадорлик интеграциясини вужудга келтириш бўлди. Зеро, ҳамкорликсиз юқори малакали, замон талабидига кадрлар тайёрлаш мумкин эмас. Мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналарининг бузилиб кетиши натижасида ҳамкорлик алоқалари ўзилиб, таълим ўз йўлида, ишлаб чиқариш ўз йўлида фаолият юритади. Бугунги кунда мамлакатимизда йирик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари қад кўтарди, олий таълим билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик интеграцияси йўлга қўйилди. Техника олий ўқув муассасалари талабалари нафақат янги технологиялар билан танишиш, балки уларни бошқариш амалиётига эга бўлмоқда.



ПРЕСС-ТУР

БИЗДА БОРИ ҚАЙДА БОР... ёхуд эзгу мақсадларга илҳомлантирувчи маънавий маскан

Президентимизнинг 2017 йил 23 декабрь куни Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиббонига ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига ташрифи давомида берган топшириқларида, шунингдек, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида Тошкент вилоятида “Паркент ижод уйи”ни қуриб фойдаланишга топшириш вазифаси берилган эди. Тўғриси, дастлаб бу хабарни эшитганлар орасида мийғида кулганлар, бу қадар тез фурсатда энг сўнгги дизайндаги дам олиш маскани барпо этилишига ишонқирамаганлар ҳам бўлган эди...

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги олдида юртимиз ижодкорларига, умуман барча зиёлиларга давлатимиз раҳбари томонидан тўхфа қилинган ушбу масканга кириб борар эканмиз, мусавффо тоғ ҳавосидан, шинам ва кўркам бино салобатидан қалбимиз фахр ва ғурур туйғусига тўлди. Шоирнинг мисралари кўнглимизда айланиб беихтиёр тилимизга чиқди: Бизда бори қайда бор, азизлар!

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз!

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларидан бирида шундай деган эди: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз”.

Илгари ижодкорларнинг дам олиши ва ижод қилиши учун фақат “Дўрмон” ижод уйи мавжуд эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2019 йили Жиззах вилоятининг Зомин туманида барча қулайликларга эга бўл-



ган замонавий ижод уйи қуриб битказилди. Бу ерда ижодкорларимиз дам олиб, саломатлигини тиклаб, янги асарлар ёзиши учун барча шароитлар яратиб берилди. Утган вақт мобайнида Ёзувчилар уюшмасининг 157 нафар аъзоси мазкур санаторийда имтиёзли нархларда дам олди. Эндиликда “Паркент ижод уйи”нинг ҳам фойдаланишга топширилгани юртимиз ижодкорларига берилаётган катта эътибор ва эҳтиромнинг яна бир кўринишидир. Ушбу муҳташам иншоот “Завтосаноат” АЖ томонидан қуриб битказилди.

Мазкур замонавий ва шинам дам олиш масканининг очилиш маросими ҳам катта шодиёнага айланиб кетди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувахитов, Бош вазир ўринбосари Бекзод Мусаев, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саидов, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир бугунги янги Ўзбекистондаги адабий ислохотлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Уларнинг дил сўзларини тинглаётиб, беихтиёр атоқли шоир Ғафур Ғуломнинг мана бу мисралари ёдга келди:

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз...
Ўзбекнинг барҳаёт авлодларимиз!

Бу имконларни кўриб шеър ёзгим келди...

Пресс-тур давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари “Паркент ижод уйи” билан тўлиқ танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга тегишлича жавоб олди. Ушбу маскан ижодкорлар томонидан барҳаёт асарлар яратилишига замин, адабий мулоқотларга гувоҳ бўлиши, шубҳасиз. Бино замонавий андозалар асосида қурилган бўлиб, 152 ўринга мўлжалланган, 32 хонадан иборат. 2 гектар майдонда жойлашган иншоот очик ва ёпиқ сув ҳавзасига, кутубхона, ошхона, чойхона ҳамда 150 ўринли амфитеатрга эга.

Оромгоҳ ҳовлисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Президент Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан янги чоп этилган китоблар кўргазма-савдоси ташкил этилди. Тадбир давомида “Буюк ўзбек йўли” публицистик тўплами, “Орзулар хиббони” ҳикоялар тўплами, “Келажакка бошлайди ишонч” шеърый тўпламининг тақдими бўлиб ўтди.

— Мен сизнинг юртингизда етишиб чиққан шоиру олимларнинг ижодини, изланишларини ниҳоятда катта қизиқиш билан ўрганаман, — деди туркиялик профессор Муневвер Теюкан.

— Ўзбекистонга бўлган меҳру муҳаббатим бошқача. Мана бугун шундай аjoyиб дам олиш маскани ижод аҳлига давлат раҳбари томонидан тўхфа этилганини кўриб, ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Менинг ҳам шеър ёзгим келиб кетди. Очиғи, сизларга жуда ҳавасим келади!

Шоир олимлар, таниқли ёзувчилар бор гўшада мушоира бўлиши, дилбар куй ва кўшиқлар янграши табиий. Уша бетакрор илҳом-бахш лаҳзаларда, байрамона бахру байтларда биз ҳам иштирок этдик. Ўзбекистон диёрининг яна бир маънавий чашмаси кўз очишга гувоҳ бўлдик. Эзгу тилақларимизни бир-биримизга оташин мисралар орқали йўлладик:

**Ҳушёр бўл, юртим, баҳоринг исси келур,
Чучумалар чайқалиб кулгуси келур.
Уйғонинг, эй жадидлар, эй йиғит-қизлар,
Олам бир садаг эврилеуси келур:
Мен ўзбекман, арслон**

**Юрак-ла келдим ман,
Ҳазрат Навоийга ворис ҳур элдрман!
Бадриғ тун, омонлиғ**

**Кун-ла тўлдим ман,
Ҳазрат Навоийга ворис ҳур элдрман!**

**Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Жараён

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг ўттиз йиллиги муносабати билан байрам тантаналари ўзгача шукухда, кўнгишларга ёруғлик, дилларга қувонч улашиб, эзгуликка йўғрилган ҳолда кўтаринки кайфият билан нишонланмоқда. Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги Эшонабод қишлоғида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида ўтказилган уч авлод учрашуви ҳам катта шодиёнага айланиб кетди.



ЭЗГУЛИККА ЭШ ЭШОНОБОД



Ҳайри ИЛДОШЕВ олган суратлар.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда туманга кўп йиллар меҳнати сингган нурунийлар, келажаги порлоқ ёшлар жам бўлган байрам тадбирида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Россиянинг Ўзбекистондаги элчилари ҳам қатнашди. Эшонабод қишлоғининг қоқ марказида қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, рус миллатларининг миллий хунармандлик буюмлари, қадимий тарихини акс эттирувчи кўргазмалар намойиши ташриф буюрганларга бирдай манзур бўлди.

— Янги Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда, шу заминни ватан деб билган миллат ва эллатларнинг дўстона муносабати ҳамда аҳиллигига боғлиқ. Мамнуният билан айтишим жоизки, истиқлолимизнинг 30 йиллиги мамлакатимиз учун ниҳоятда қутлуғ ва баракали келди, — деди тадбирни очган Тошкент вилояти ҳокими Даврон Ҳидоятлов. — Биз Президентимиз раҳбарлигида ҳар жабҳада асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритдик ва дунёга юз

туддик. Жаҳон жамоатчилигининг юқори минбарларда туриб билдираётган фикрлари бунинг яққол эътирофидир. Юртимиздаги ўзаришларни Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриб турибмиз. Хусусан, ҳудудимизнинг энг кўҳна қишлоғи бўлиш Эшонабодда нишонланаётган байрам шодиёналари миллатлараро дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамлашишга хизмат қилади.

Тарих, бугун ва келажакни ўзида мужассам этган бундай маънавий-маърифий тадбирлар мамлакатимиз ҳаётининг гўзал қадриятларига айланиб улгурган.

Тадбирда Республика миллий маданият марказлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Ўзаро қизғин суҳбат ва жонли мулоқотларда мамлакатимизда инсон омилга юксак эътибор берилаётгани, юртимизда яшаётган барча дин вакилларига қўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-оқибат, инсон қадр-қимматининг нечоғли ардоқда экани ва уларнинг орзу-ниятларини

рўёбга чиқаришга шарт-шароитлар яратиб бериш бугунги куннинг энг устувор вазифасига айлангани таъкидланди.

— Биз Ўзбекистонда турли миллат вакиллари-нинг аҳил, иноқ яшаётганидан хурсандмиз. Эшонабодликлар яратилган инфратузилмадан миннатдор экани уларнинг қувончдан порлаб турган ва миннатдорлик акс этган нигоҳларида ҳам аён бўлмоқда. Қишлоқ аҳолиси учун замонавий талабларга жавоб берадиган ва ҳеч қандай шаҳарникидан кам бўлмаган шароитлар яратилганини ўз кўзимиз билан кўриб, биргаликда қувондик, — дейди Тожикистоннинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Абдужаббор Азиз Раҳмонзода.

— Кундан-кун чирой очиб, ўзгариб, янада кўркам ва обод бўлиб бораётган гўзал Эшонабод қишлоғининг жамолини кўрганда буларнинг бари халқ учун, инсон манфаати учун эканини чин дилдан ҳис этаман. Тинч-осойишта, хотиржам ва мустақил юртда яшаётганлигимдан бахтиёрман, — дейди чинозлик 72 ёшли отахон Усмонали Умаров.

Тошкент вилоятида туғилиб ўсганман, — дейди Ўзбекистондаги Қирғиз маданий маркази раиси ўринбосари Абиба Юнусалиева. — Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган бундай учрашувлар гоёта аҳамиятли. Ёши улугъ фахрийларимизнинг насиҳатлари, тажрибалари ёш авлод учун ўзига хос дастуруламал бўлади, деб ўйлайман. Энг азиз, энг улугъ байрамимиз — мустақиллигининг 30 йиллиги билан Қирғиз миллий маданий маркази номидан барчани табриклайман. Халқларимизнинг тотувлиги, иноқлиги абадий бўлсин.

Байрам чоғида янграган кўшиқлар, фольклор оханглари ва рақслар гулдастаси яқин кўшничилик, қон-қардошлик, урф-одат ва қадриятларимиздаги муштараклик ришталарининг нечоғли мустаҳкам эканини яна бир бор намоён этди.

Эшонабод қишлоғида уч авлод учрашуви доирасида ноз-неъматларга тўла дастурхон атрофида бўлиб ўтган дилкаш суҳбатлар, самимий мулоқотлар нафақат мартабали меҳмонларга, балки кечда иштирок этган кексаю ёшнинг қалбига олам-олам қувонч бахш этди.

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Зомин туманида ўтказилган ёшлар фестивали иштирокчиларининг мамлакатимиз ёшларига МУРОЖААТИ

Ҳурматли ёшлар, азиз тенгдошлар!

Энг улугъ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги арафасида Зомин туманининг Пешагор қишлоғида биринчи марта ташкил этилган ёшлар фестивали ҳаётимизда сезиларли ёш қолдирди.

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинган 2021 йилда пешагорлик ёшлар ҳаётида ҳам қатор унутилмас воқеалар юз берди. Жумладан, мазкур ҳудуддаги 5 та маҳаллада истиқомат қилаётган йигит-қизлардан 184 нафари “Ёшлар дафтери” электрон платформасига киритилиб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 59 нафарига ўзини ўзи банд қилиши учун 200 миллион сўмлик субсидия берилди.

Шунингдек, 276 нафар тенгдошимиз доимий ишга жойлаштирилган бўлса, яна 42 нафарига 840 миллион сўм миқдоридида имтиёзли кредитлар ажратилди. Қисқа муддатда “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 360 ўринли “Ёшлик барака чеварлари” тикув фабрикаси фойдаланишга топширилди. Ушбу фабрикада меҳнат қилаётган 270 нафар тикувчининг 123 нафари ёш хотин-қизлардир.

Қишлоқ ёшларининг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб камол топиши, хусусан, спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит яратиш мақсадида 5 та спорт майдончаси қурилди.

Энг асосийси, фестиваль арафасида 50 гектар ер майдони томчилатиб сугориш усулида ўзлаштирилиб, зоминлик 100 нафар ёшга 10 йил муддатта тақсимлаб берилди. Шу тарика ёшлар унумдор заминда деҳқончилик билан шуғулланиш орқали доимий иш ўрнига эга бўлди.

Шу йилнинг ўзида ёш миришкорлар ўзларига тегишли ерда макжаҳуҳори етиштириб, ур-тача 7-8 тоннадан ҳосил олиши ва бу орқали

ҳар бири 25 миллион сўмдан даромад қилиши режалаштирилган.

Пешагордаги ёшлар фестивали бу ҳудудда яшаётган навқирон авлод вакиллари ҳаётида юз очаётган бутунлай янги бир даврнинг муқаддимасига айланди. Улкан ҳовуз ва ранго-ранг фаввора барпо этилиб, атрофига турфа гуллар экилган эртакмонанд майдонда ўтказилган йиғинда минглаб жиизахлик йиғит-қизлар, айниқса, Пешагор ва Ровот қишлоқларида истиқомат қилаётган ёшлар фаол иштирок этди.

Бу ерда беш муҳим ташаббус доирасида ташкил этилган маданий-маърифий, интеллектуал ва спорт тадбирларида кўпчилик тенгдошларимиз ўз истеъдодини намоён қилди. Нуфузли халқаро фан олимпиадалари ғолиблари, иқтидорли спортчилар ва тадбиркор ёшлар билан учрашув ҳамда мулоқотлар бизда унутилмас таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури кўнглимизга чексиз заъв-шаъв бағишлади.

Энг асосийси, агар ўзимизнинг билим ва тафаккуримиз, куч-гайратимиз ва шижоатимизга суянсак, улкан бунёдкор кучга айланишимиз мумкинлигини фестивалда янада чуқур ҳис қилдик.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг ҳаётий манфаатини таъминлаш, орзу-интилишлари, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг қўламли ишлар бажарилмоқда.

Айниқса, сўнгги бир ярим йилда Президентимиз ёшлар билан уч марта учрашгани кўп нарсадан далолат беради. Ёш авлод вакиллари бундай мулоқотлардан ўзлари учун жуда катта куч-қувват олди.

Бугун аксарият тенгдошларимиз давлат бошқаруви органларида, замонавий корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳасида қизгин фаолият юритмоқда.

Бу йил иқтидорли талабалар учун Президент гранти, мамлакатимиздаги хорижий олий ўқув юр்தларининг талабалари учун ҳам Президент ва давлат стипендиялари таъсис этилгани, фарзандини шартнома асосида ўқитаётган оилаларга имтиёзли таълим кредити бериш амалиёти йўлга қўйилгани бизни жуда руҳлантирди.

Қадрли ёшлар!

Бугун халқимиз, жонажон Ватанимиз, Президентимиз биз, ёшлардан буюк ишларни кутмоқда. Ўзимизга билдирилаётган улкан ишонччи оқлаш, эл-юртимизга муносиб фарзанд бўлиш учун барчамиз, аввало, мақсадни тўғри белгиллаб олиб, ҳамиша олға интилиб яшашимиз зарур.

Ҳар биримиз аъло ўқишимиз, ҳалол меҳнатимиз, юксак натижа ва ютуқларимиз, керак бўлса, намунали хулқу одобимиз билан тенгдошларимизга ўрناк бўлишимиз лозим.

Биз бунга қодирмиз. Чунки биз Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Абу Али ибн Сино, Улугбек, Навоий, Бобур, Бухорийю Термизийлар авлодимиз.

Сиз азиз дўстларимизни ҳозирги нотинч ва мураккаб даврда, глобаллашув ва рақобат муҳитида доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашига, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга даъват этамиз.

Ҳаётдаги ҳар қандай синов ва қийинчиликларни шижоат ва қатъият билан енгиб, барча жабҳада Президентимизга камарбаста бўлиб, она Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш ҳаётий мақсадимизга айлансин!

Азиз Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлиб, юртимизда янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга муносиб ҳисса қўшайлик!

**Зомин тумани Пешагор қишлоғи
2021 йил 28 август**



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илғор зиёлилар, адабиёт, маданият намояндалари, бошқача айтганда, миллатимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, агар улар қатағон қилинмаганида Ватанимиз ривожига учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди, халқимизни олдинга бошларди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЭНГ ТОЗА ОРЗУЛАР ПОЙМОЛ ҚИЛИНГАЧ, ҚАНДАЙ ТОНГ ОТДИ ЭКАН...

ҲИБСГА ОЛИНИБ, ОТИЛГАН “ЖОСУС”



Шахнозахон ая ҳикояси

Исроилжон Иброҳимов ҳам қатағон қурбонига учраган маърифатпарвар ва элпарвар инсон. Ўтган асрнинг 20-йилларида мустақил Ўзбекистон учун кураш олиб борган “Миллий истиқлол” уюшмаси раҳбарларидан бири эди. У уюшмада Мунавварқори Абдурашидхонов билан фаолият юритган. 1929 йил 6 ноябрда ушбу “Миллий истиқлол”чилар томирига болта урилиб, уюшма ташкилотчилари қамоққа олинди.

— Бобом 1868 йилда Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасидаги 2-Илла маҳалласида йирик салохиятли сармоядор Иброҳимбой хонадониди дунёга келган, — дейди Шахнозахон Исроилова. — У замонанинг маърифатли ва саховатли бойларидан бири бўлган экан. Бобом ўша муқдиси кун — 1929 йил 6 ноябрда “Миллий истиқлол” уюшмаси аъзолари қаторида жосус сифатида ҳибсга олинган. 1931 йилнинг 29 апрелида халқ душмани номи билан отиб ўлдирилган ҳукм қилинган.

“Йўқолсин бойлар, яшасин камбағаллар”, деган мунофиқона шiori байроқ қилиб олган тузум имон-эътиқоди, саховати билан ажралиб турган аждодларимиз тамойилига зид иш кўрди. Алдовлар асосига қурила бошлаган янги жаҳият оқибатда нафақат моддий, балки маънавий бой инсонлар бошига не-не балолар ёғдирди. Бошқа алифбони тарғиб этиш билан халқимизни умуман саводсиз, омига айлантирди. Сўнг баландпарвоз шiorлар билан “Саводсизликка қарши курашамиз”, дея бонг урди. Бошдан охиригача шум ниятга асосланган ҳаёт қуришга киришилди. Одамларга ёлгон гапирчи ўргатила бошланди. Эшик ва дарвозаларда қулф пайдо бўлди. Одамлар орасида шубҳа ва гумон болаёлагандан болапайди. Миллатимизнинг асл фарзандларини бирлаштирган “Миллий истиқлол” ташкилотининг шiori “Тўлласин Ватан, яшасин илму урфон” бир четга улоқтирилди.

Отам Исоқжон Исроилов Исроилжон бобомни 5 ёшларида қамоқда ётганларида бориб қўрган экан. Бу воқеани “Мен билан борганларга отамни қўришларига руҳсат бермагандан сўнг, қамоқхона қорловли мени кўтариб, отам ётган камерага олиб борганди. Ёнлариди кишини ҳам таниганди. У киши уйимизга келиб турадиган Мунавварқори Абдурашидхонов эди. Бу муқдиси тарихини ва рақлаш мен учун жуда оғир”, деб эслардилар ўша машъум давларни.

Ушандаги охириги учрашувда эрта-индин тақдирини нима билан туғашини кўтиб ётган бобом 5 ёшли норасида жигаргўшаси, отам Исоқжонга обдон тикилиб туриб дуо қилади. Ушбу дуоси орқали бутун элгига, халқимизга Яратгандан рўшномлик, ҳурлик, озошлик тилаган бўлсалар не ажаб. Эҳтимол, бу-гунги эркин ва бахтиёр китамизнинг шундай аждодларимиз тортган жабру кунлар, оғир кунларга дучор бўлганлар дуоси ижобатдир.

Исроилжон Иброҳимов Тошкентнинг “Эгачи” ва “Қашқар” маҳаллаларида яқин дўсти ва сафдоши Мунавварқори Абдурашидхоновга ички ва ташқи ҳовилиги мактаб қуриб берган. Бундан ташқари, миллатимиз зиёлиларига Туркия давлатидан келтирган китобларни тез-тез улашган. Катта ер ва мол-мулкдан тушган фойда эвазига уларни моддий таъминот масалалари билан мунтазам таъмин-

“Миллий истиқлол” ташкилоти раҳбарларидан бири Исроилжон Иброҳимовнинг аянчли тақдири ҳақида

Бугунги озод ва фаровон, дориломон кунларга осонликча эришилмади. Миллатимизнинг асл фарзандлари бу кунлар учун ширин жонларини қурбон қилдилар. Ўғил-қизлари, жону жигарлари уларга босилган “жосус”, “хоин”, “халқ душмани” сингари оғир тамғалар туфайли, то улар оқлангунларича изтироб ичиди, қувғинда, қочқинда яшашга мажбур бўлдилар.

лаб турган. Рус, немис, француз тилларини яхши билган. Франция давлатининг фахрий фуқароси сифатида у ерда катта эътиборга лойиқ қўрилган. Парижда ўша даврдаёқ Ўзбекистон номидан савдо ярмаркаларини ташкил қилган. Бу фактлар тарихчилар батафсил ўрганадиган мавзудир. Кеч бўлса-да, 1992 йил сентябрда Ўзбекистон миллий хавфсизлик қўмитаси Исроилжон Иброҳимовни тўла оқлади.

Садоқатда тенги йўқ қалблар

Шу ерда бир ҳақли савол туғилади. “Миллий истиқлол”чилар ким эди? Уларни ўша давр тузуми нега хуш кўрмади, улар ичидан энг сараларини териб олиб, қатағон ва қатлиом қилди? Булар кам эмас, 87 нафар эди.

Халқнинг илғор вакиллари бўлган бу шўрпешона тақдирларнинг барчасини номма-ном айтиш имконсиз. “Миллий истиқлол”чилар нимани истарди ўзи, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга ҳам уларнинг ўзлари сўнгсиз теровларда қандай жавоб берганликларига ғувоҳ бўламиз. Биринчидан, улар давлат идораларида ҳеч бўлмаганда эллик фоиз ерли миллат фарзандлари раҳбарлик лавозимида ишлашини талаб қилган. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг барча бойликларни марказга оқиб кетишига йўл қўймайлик лозимлигини, учинчидан, ер-сув ислохоти ўлкада нотўғри ўтказилаётганидан норозиликларини таъкидлашган.

Маънавият ва таълим соҳасида эса, алифбони ўзгартриш дулпа-дуруст араб алифбосида фойдаланиб келган мамлакатини саводсиз бир ўлкага айлантиражағи, халқ саводсиз, манкурт бўлиб қолишини айтганларида ҳеч бўлмаганда. Ўзбек халқи мустақил ҳаёт кечирса, моддий бойликка ва маънавий камолотга эришсагина ҳақиқий маънадаги давлат бўла олади, деб бот-бот таъкидлашган. Бундай кўрсатмалардан ўлкаимизда янги жаҳият барпо этмоқчи бўлган “шўрабой”лар қаттиқ ранжиган ва элини эл қиламан деганларни “қора ер” қилишни режалаштириб, ўз мақсадларини амалга оширган.

Уларнинг қанчалар ҳақ эканини орадан бир неча ўн йил ўтиб тарихнинг ўзи ишот этди. Минг афсуски, тарихий бир ҳақиқатни ўша даврда тушуниб етмадилар. Тўғирроғи, тушунишни иштамади. Халқ учун жони ачиган, унинг йўлига чироқ тутган чароғбонлар битта-битта териб олинаверди. Исроилжон Иброҳимов ва у қатори ҳибсга олинган, бир ярим йил давомида теров қилинган миллатимизнинг юзлаб асл фарзандлари турли тоифага мансуб қилинлар эди. Бироқ уларни бир мақсад — ўзбек халқи озошлиғи йўлидаги кураш қовуштирган эди.

Муҳим ҳужжат қабул қилинди

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 31 август куни “Қатағон қурбонлари музейи”га ташрифи чоғида нурунийлар, уламолар ва зиёлилар билан мулоқотда “Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илғор зиёлилар, адабиёт, маданият намояндалари, бошқача айтганда, миллатимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, агар улар қатағон қилинмаганида Ватанимиз ривожига учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди, халқимизни олдинга бошларди. Шу билиб туриб қилинган. Бугун буни армон билан эслаймиз”, дея таъкидлади. Шунингдек, музей фаолиятини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қўриб чиқиш, ўтган давр мобайнида қатағон мавзусини илмий ўрганиш борасида амалга оширилган ишларни, янги топилаётган маълумот ва фактларни кенг ёритиш, тарихимизнинг ана шундай фожиали саҳифалари ҳақидаги ҳақиқатни жамоатчилиқка, айниқса, ёш авлодга холис ва ҳаққоний етказиш зарурлиғи тўғрисида топириқлар берди.

“Қатағон қурбонлари музейи”ни миллий ғоя асосида таъсирчан тарбиявий масканга айлантириш мақсадида тегишли шароитлар яратиш, хусусан, музейнинг илмий экспозициясини янгитдан шакллантириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар олдиға қатор вазифалар қўйилди.

Ана шу тақлиф ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, ўтган йил 8 октябрда Президентимизнинг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши эълон қилинди.

Фармойишда қатағон қурбонлари меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштириш учун илм-фан, таълим, маънавият ва маърифат ишлари билан шугўлланадиган турли масъул ташкилотларга кенг қамровли тақлиф ва вазифалар берилди. Шулардан айрим вазифаларни бажаришда Ўзбекистон халқаро ислом академияси жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўишиш мумкин. Масалан:

— қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида академия кутубхонасида Маҳмудхўжа Бехбўдий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний каби улуғ маърифатпарварларга бағишланган хотира бурчагини ташкил этиш;

— хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, илмий экспедициялар ташкил этиш;

— қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида илмий-тарихий китоблар яратиш;

— “Инсон — азиз, хотира — муқаддас” деган ғоя асосида барча туман, шаҳар ва маҳаллаларда аҳоли, айниқса, ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-боболаримизнинг хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаша, улар кўрсатган жасорат ва фаолиятини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш.

“Қўнглимга ҳаловат берди”

Президентимизнинг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши иқроси доирасида Исроилжон Иброҳимовнинг ҳам фаолияти чуқур ўрганила бошланди, — дейди Шахнозахон Исроилова. — Масалан, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи — методик маркази, ЎзР ФА “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи, ЎзР ФА Тарих институтининг етакчи илмий ходимлари томонидан Исроилжон Иброҳимовнинг ҳаёт йўли ва фожиали тақдири ўрганиб чиқилмоқда. У ҳақда ҳозиргача тўпланган материаллар асосида Ўзбекистон телевидениесида махсус кўрсатув эфирга узатилади. “Миллий Истиқлол” ташкилоти аъзоларига бағишланган рисола ва мақолаларда унинг ҳам номи қайд этилди. Тарих институти жамоаси томонидан ишларга тайёрланган “Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар)” китобига ҳам Исроилжон Иброҳимов номи киритилди. Шунингдек, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да чоп этилган “Миллий Иттиҳод” мақоласида ҳам ушбу ташкилот ва унинг атрофидаги воқеаларга кенг ўрин берилган.

Айни кезде келажак авлодлар учун унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейида ташкилий ишлар бошлаб юборилган. Бекафан, бежаноза қўмиб юборилган қатағон қурбонлари қилган ишларнинг барчаси ойдин бўлиши керак.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Ўзбекистон журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси



Тарих — одамзодга сабоқ берувчи, уни хатарли йўлларга киришдан сақлаб қолувчи ажойиб бир дунё. Шунинг учун ҳам XX асрнинг 20-50-йилларида мустабид шўро тузумининг ноҳақ азобини тортган ва шаҳид кетган ота-боболаримиз, Ватан учун хизмат қилган ардоқли зиёлилар, ижтимоий ҳаётнинг оғир дамларини бошидан кечирган юрт фарзандларининг номларини тиклаш, уларнинг меросини келажак авлодларга етказиш муҳим вазифалардан биридир. Лекин бир-икки китоб ёки мақола чоп этиш билан қатағон қурбонларининг бутун бошли тарихини ёритиб бўлмайди.

АЙБИ НЕЛИГИНИ БИЛМАЙ КЕТГАНЛАР

Алишер КУДИЯРОВ,
Қорақалпоқ давлат университети
тузилмасидаги Қатағон қурбонлари
хотираси музейи директори

Истиқлол туфайли ҳақиқат ва адолатни қайта тиклаш, халқимизнинг минглаб фидокор ва собитқадм фарзандлари хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрса-тиш, бундай қисматга дучор бўлган юртдошларимизни аниқлаш, номларини абадийлаштириш ва тарих зарваракларига муҳлош борасида қўллаб-савобли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам.

Қорақалпоғистоннинг раҳбар ҳамда ҳўжалик ташкилотлари ходимлари, зиёли қатлам вакиллари, фан, маданият, адабиёт соҳасида хизмат кўрсатган инсонларнинг қўнчилиғи ўтган асрнинг 30-50-йиллари бошида қатағонга учраган эди. Улар бировларнинг ёлгон аризаси, тўхмати сабаб “халқ душмани”, “миллатчи” ёки “ижтимоий келиб чиқишини яширган, халқ душманига хайрихоҳлик қилган” каби айбловлар билан ноҳақ жазоланди, қамоққа олинди. Диний китоблар, қорақалпоқ шoirлари шеърлари йўқ қилиниб, ёндирилди, маънавият ва маданиятга жоҳилларча муносабатда бўлинди.

Раҳим Махитовнинг рафиқаси 80 ёшли Анвара аянинг бошидан ўтказган ва айтиб берган ҳаётий воқеаларини адабиётчи Қ.Бойниёзов бундай ёздади:

— 1928 йили қайин отамнинг (Сейфулғабит Мажитов — А.Қ.) бир китоби чоп этилиб, унга қалам ҳақи (гонорар) олди. Бизлар жуда ночор аҳволда яшар эдик. Отам бу пулдан ўйга керакли бўлган уй жиҳозлари ва бизларга кийим-кечак сотиб олди. Ўша вақтлари Раҳим ака Қўнғиротда райком секретари бўлиб ишларди. Кимдир буни қўриб, бизларни “бойиб кетди”, деб ариза берибди.

Шу сабабдан турумуш ўртоғимни ишдан бўшатдишди. 1937-1938 йиллари аҳволимиз янада оғирлашди. Қайин отамни ва Раҳим акани “халқ душмани” деб турмага ташладилар. Мен уларнинг ҳолидан хабар олиш учун борган эдим. — Сен чет элнинг айдоқчиссан, — деб мени ҳам ушлаб, бир кун тергов қилди. Бешикда эмизилиб болам бор эди. Вақтда овқатлангани келишим учун ҳам юбормади. Ишонамга ҳомладорлик таштили давридаги пулларимни оламан деб борсам, беришмади. Сен “халқ душмани”нинг рафиқасан деб ишдан бўшатдишди. Бошқа жоилардан иш изласам, фамилиямни айтишим билан қайтараверди. Шундай қилиб, мен 1937-1938 йиллари беш болам билан ишсиз қолдим.

С.Мажитов 1920 йилда партияга аъзо бўлиб, шўро ҳўкуматининг сиёсатини қўллаб-қувватлаб таърифлаган дастлабки шоир бўлишига қарамай, “Миллий иттиҳод” ташкилоти Қўнғирот бўлими раҳбари сифатида айланиб, 1921 йилги қамоққа олинди. Шўро ҳўкуматига қарши аксинлиқлобий қўзғолон ташкиллаштирган, деган айб тиркалди. У билан бирга имом Уббй Ермиязов ва Пиржан имом Бекешов беш йил қамоқ жазосига ҳўкм этилди. Бироқ Хоразм Халқ Республикаси ички ишлар вазир Уроз Ермановнинг аралашуви билан улар қамоқдан озод этилди. Иккинчи марта С.Мажитов 1930 йили яна “халқ душмани” сифатида айланиб, қудаси Уроз Ерманов билан қамоққа олинди. Улар 8 ой давомида қаттиқ тергов берди.

Бироқ иккиси ҳам ўзига қўйилган айбларни тан олмаган. 1930 йил 3 ноябрда С.Мажитов ва У.Ерманов ишлари устидан тўпланган далиллар етарли эмаслиги

сабаб уларни қамоқдан озод этиш тўғрисида қарор чиқаришга мажбур бўлишган.

Аммо қамоқхона азоби ва терговчиларнинг турли қийноқ усулларини кўтара олмаган Сейфулғабит Мажитов 1938 йили 16 апрелда турмада вафот этади ва шу тариқа жиноят иши ҳам тўхтатилади.

1937-1938 йиллардаги қатағон натижасида партия, комсомол, совет ташкилотлари раҳбар лавозимларида ишлайдиган миллий кадрлар қолмади ҳисоб. Сабаби, уларнинг қўнчилиғи қамалди ва отиб ташланди. Масалан, 1937 йил сентябрь ойдан 1938 йил июнь ойига қадар Қорақалпоғистон АССР партия комитетининг биринчи секретари вазифасини бажарадиган одам бўлмаган. Бу лавозимни партия йўлланмаси билан Тошкентга келган Ф.Павлов деган киши вақтинча эгаллаб турди. У бошқарган даврда қорақалпоқ халқи зиёлилари жуда қўл жабр чекди.

1930 йилларнинг иккинчи ярмида олимлар ва жамоат фаолларини ҳам қатағон қилиш бошланади. Москвалик олим Баскаков бундай эслади:

— Бир куни вилоят партия комитетининг биринчи котиби Исом Алиевнинг ёрдамчиси, озорбайжонлик йигит Казембек уйга келиб, эртага мени қаммоқчи эканликлари ҳақида огоҳлантирди. У бизларга от топиб берди ва Хоразм вилоятгача кузатиб қўйди. Бу ердан Нина Владимировна икковимиз бир ҳафтада Туркманистоннинг Чоржўй туманигача пиёда келдик. Чоржўй, Красноводск, Боку орқали бир ойда Москвага зўрга етиб бордик. Агар Казембек ҳақиқатни айтмаганда, ОГПУ ходимлари мени “буржуазчи миллатчи” деб аллақачон йўқ қилиб юборган бўлар эди. Бизлар Қорақалпоғистондан кетгандан кейин Қ.Авезов, К.Нурмухамедов, И.Алиев ва унинг ёрдамчиси Казембек ҳам қамоққа олинган ва “халқ душмани” сифатида отишга ҳўкм этилган эди...

Таникли маърифатчи Қози Мавлик ҳам совет ҳўкимияти томонидан қатағонга учраган. У 1929 йили кузда қамоққа олиниши арафасида Чимбойни ташлаб Туркманистон томонга қочиб кетди. Шоирнинг умри давомида ёзган, йўққан маданий мероси, мол-мулки ҳам шу ерда қолади. 1930 йилнинг охирида Чимбойдаги янги ҳўкумат етакчилари Қози Мавлиқнинг уйдаи қолган барча қўлэмаларни йиғиб олади ва ёқиб юборади.

Ўша даврнинг таникли шоири Аббас Дабиловнинг эслашча, у 1929 йили Қози Мавлиқнинг уйига келганида, шоирнинг барча китобларини, қўллаб қўлэмаларини олти қўлга солишиб, Кеғейли канални бўйида ёқиб, қўмиб ташлашган экан.

Урозали Қўсеев XX асрнинг 20-30-йиллари республикамизга марказий шаҳарлардан келган олимлар билан экспедицияларда қатнашиб, қорақалпоқ халқи тарихи бўйича қимматли маълумотлар йўққан. 1937 йил 15 сентябрда “Қорақалпоғистонда ҳаракатлануви аксинлиқлобий миллий гуруҳ аъзоси” сифатида қамоққа олинган. Бу вақтда у “Совет муаллимни” газетаси муҳаррири бўлиш билан бирга, вилоят партия комитетида бўлим бошлиғи вазифасида ишлар эди. 1955 йили ёзда у жазо муддатини ўтаб қайтиб келган...

Ҳа. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгачина қатағон йиллари халқимиз бошига тушган азоб-укубатлар ҳақида оқиқ-ойдин ёзила бошлади, аждодларимиз қолдирган бой маънавий-илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари қўпайди. Айниқса, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан бу борада амалга оширилаётган ишлар қўлами ва самараси жиҳатидан асрларга татийди. Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиғи нишонланаётган шу кунларда миллий истиқлолимизнинг қадрини янада теран англаймиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2775.

76603 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўроғ бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона маъзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Муминова Мусаҳҳих: Малохат Минғобоева Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзаА якуни — 02:10 Топириғди — 03:55